

АНДИЖОН ҚАТЛИОМИНИНГ 8 ЙИЛЛИГИДА ИСТАНБУЛДА ХАЛҚАРО АНЖУМАН



Андижон қатлиомининг 8 йиллиги муносабати билан 11 майда Истанбулдаги Üsküdar Bağlarbaşı анжуман саройида “Озод Ўзбекистон” халқаро анжумани бўлиб ўтди.

Туркиядаги “Ўзбеклар бирлиги” жамияти ташаббуси билан ўтказилган тадбирнинг асосий меҳмони Британиянинг Тошкентдаги собиқ элчиси Крейг Мюррей бўлди.

Крейг Мюррей ўз маърузасида 8 йил олдин Ўзбекистонда юз берган қирғинидан хануз сабоқ чиқарилмаганидан таассуф билдирди.

- Мен мансуб бўлган Фарб жамиятининг бу қирғинга иккиюзла-мичилик билан муносабатда бўлганидан афсусланаман. Бу қирғиндан 8 йил ўтиб биз чиқарган асосий хулоса шуки, ўзбек мухолифати кучаймоғи шарт. Мен ўзбек мухолифати Муҳаммад Солиҳ атрофида бирлашиши лозим деган фикрдаман,- деди Крейг Мюррей.

Тадбир доирасида Крейг Мюррей қаламига мансуб “Самарқанддаги қотиллик” китобининг турк тилидаги нашри тақдимоти бўлди.

«Фарғона-ньос» ахборот агентлиги бош муҳаррири Даниил Кислов Андижон воқеалари илк кунларида мустақил матбуотда қандай ёритилганига тўхталди.

Мазкур халқаро тадбир доирасида 23 йилдан буён Ўзбекистонда кузатилаётган қатлиом ва қийноқлар, шунингдек, 2005 йил майида Андижонда рўй берган хунрезликка

оид фотокўргазма ҳам намоишга қўйилди.

Расмий маълумотларга қараганда, Андижонда бундан 8 йил олдин содир бўлган қирғинда 180 киши ҳалок бўлган. Тадбирда чиқиш қилган журналист Даниил Кисловга кўра, Андижон воқеасида 800га яқин киши ҳалок бўлган ва яна 10000 дан ортиқ киши эса мамлакатдан қочиб кетган.

Орадан 8 йил ўтиб Ўзбекистон ҳукумати халқаро жамоатчиликнинг Андижон хунрезлиги бўйича текширув ўтказилишига оид талабини бажармай келаётгани таъкидланди анжуманда.

Ўзбек расмийлари Андижонда аслида нима бўлганини ўрганиш истагини билдирган халқаро комиссияларга руҳсат бермагани ҳам Истанбулдаги анжуман ташкилотчилар тарафидан ташвиш билан қайд қилинди.

2005 йилнинг 13 май куни Андижоннинг Бобур майдонида тўпланган тинч намоишчилар ҳукумат аскарлари томонидан ўққа тутилгани халқаро жамоатчилик тарафидан қораланган эди.

Анжуман ташаббускорлари тадбирдан мақсад – 8 йил муқаддам Андижонда рўй берган қатлиом унуттирилишига йўл қўймаслик, аксинча бунга халқаро ҳамжамият диққатини қаратиш эканини таъкидлашди.

УХХ хабар маркази

АНДИЖОН ҚАТЛИОМИНИНГ 8 ЙИЛЛИГИ ИСТАНБУЛДАГИ ТАДБИРДА ХОТИРЛанаДИ

Андижон қатлиомининг 8 йиллиги муносабати билан 11 майда Туркиянинг Истанбул шаҳрида “Озод Ўзбекистон” халқаро анжумани бўлиб ўтади. Тадбирда бир қатор таниқли шахслар, жумладан, Британиянинг Тошкентдаги собиқ элчиси Крейг Мюррей, Эрк демократик партияси лидери Муҳаммад Солиҳ, Ўзбекистон Халқ ҳаракати фаоллари, журналистлар ҳамда ёзувчилар қатнашади.

Бу ҳақда 10 май куни Истанбулда ўтказилган матбуот анжуманида билдирилди. Матбуот анжуманида қатнашган Озодлик муҳбирига кўра, “Ўзбеклар бирлиги” жамияти ташаббуси билан ўтказилажак халқаро тадбир доирасида Истанбул шаҳридаги Üsküdar Bağlarbaşı анжуманлар саройида 23 йилдан буён Ўзбекистонда кузатилаётган қатлиом ва қийноқлар, шунингдек, 2005 йил майида Андижонда рўй берган хунрезликка оид фотокўргазма ҳам намоишга қўйилади.

10 май эрталаб соат 11 да Истанбул марказидаги Таксим майдонида ташкиллаштирилган матбуот анжуманида қатнашган журналистларга бундан 8

йил муқаддам Андижонда содир этилган воқеалар яна бир бор эслатилади.

Расмий маълумотларга қараганда, Андижонда бундан 8 йил олдин содир бўлган қирғинда 180 киши ҳалок бўлган. Ўша воқеаларнинг бевосита гувоҳи бўлган юзлаб оддий одамлар ва журналистлар мажбуран мамлакатни тарк этган.

Матбуот анжуманида чиқиш қилган ўзбек мухолифатининг таниқли арбоби Муҳаммад Солиҳга кўра, Андижон воқеасида 3000 киши ҳалок бўлган ва яна 10000 дан ортиқ киши эса қўшни Қирғизистонга қочиб чиққан.

Анжуманда орадан 8 йил ўтиб Ўзбекистон ҳукумати халқаро жамоатчиликнинг Андижон хунрезлиги бўйича текширув ўтказилишига оид талабини бажармай келаётгани таъкидланди.

Ўзбек расмийлари Андижонда аслида нима бўлганини ўрганиш истагини билдирган халқаро комиссияга руҳсат бермагани ҳам Истанбулдаги матбуот анжумани ташкилотчилар тарафидан ташвиш билан қайд қилинди.



2005 йилнинг 13 май куни Андижоннинг Бобур майдонида тўпланган тинч намоишчилар ҳукумат аскарлари томонидан ўққа тутилгани халқаро жамоатчилик тарафидан қораланган эди.

Анжуман ташаббускорлари икки кундан сўнг очилажак тадбирдан мақсад – 8 йил муқаддам Андижонда рўй берган қатлиом унутилиб кетишига йўл қўймаслик, аксинча бунга халқаро ҳамжамият диққатини қаратиш эканини таъкидлашди.

Мухолифат сиёсий ташкилот сифатида (бу ҳаракат ёки фирка ҳолида бўлиши мумкин) расмий ҳукуматга қарши бўлган, бу ҳукуматни давлат бошқарувидан узоклаштириб, унинг ўрнига ўзи ҳукуматни бошқаришни мақсад қилиб олган ташкилий кучдир. Мухолифат ҳукуматнинг сиёсатини бутунлай рад қилгани каби, баъзи давлатларда (масалан, ҳозирги ғарб давлатларида) ҳукуматга қисман мухолифлик қилиши ҳам мумкин.

Шундан кейин сиёсий ташкилот сифатида эса “ЭРК” партияси тузилди. Каримов диктатурасининг қатағон сиёсати натижасида ўзбек мухолифлар хорижга кетишга мажбур бўлдилар. Шу тарзда мустабид режимга қарши кураш хориждан давом эттирилди. 2011 йилда мухолиф ташкилотларни ва шахсларни ўз сафида бирлаштирган



МУХОЛИФАТ НИМА ИШ ҚИЛАЯПТИ?

Инсоният тарихида давлатлар ўртага чиққандан буён фуқароларнинг давлат ҳокимиятига муносабати турли туман бўлиб келган. Эски даврларда ҳам, бугунги кунда ҳам давлат ҳокимиятини ўз билганича (яъни ҳавойи нафсига қўра) эгаллаб олганлар (ҳар хил мафкураларга ёки яккашахс бошқарувига асосланган давлат тузумлари) ҳар қандай мухолиф фикрга қарши бўлганлар. Бундай тузумларда мухолифларнинг турли йўллари билан овози ўчирилган, сургун қилинган, қамоққа ташланган ва ҳатто қатл қилинган ва бу ҳол бугунги кунда ҳам давом этмоқда...

Сўнгги асрларда Туркистонда давлатчилик инқирозга учрашига қарамай, халқимиз ўзининг миллий ва эътиқодий қадриятлари, урф ва одатлари асосида мавжуд ҳукуматларга турли даражада ўз муносабатини билдириб келган. Туркистон хонлари замонида ҳам, чор Русияси ва совет тузумида ҳам мавжуд ҳукуматларга танқидий назардан қараганлар бўлган. Бу тузумларнинг ўз мухолифларига қарши ўтказган қатағон сиёсатлари халқимиз тарихида машҳурдир.

Энди ўзбек мухолифатига келадиган бўлсак, қайта қуриш ва ошқоралик йилларида, кейин мустақиллик даврида ўзбек мухолифати ўз фаолиятини халқимиз ижтимоий сиёсий ҳаётининг айрилмас парчаси ҳолида давом эттириб келмоқда. Ислоҳ Каримов диктатураси зулмда дунёга машҳур бўлишига қарамасдан, у ўзбек мухолифатини тамоман тор мор қила олмади. Мавжуд режим зулмини ортирган сайин халқ турли табақаларининг бу режимга қарши мухолифлик кайфияти ҳам ортиб бормоқда. Бугунги кунга келиб зиёлилар, тадбиркорлар, диндорлар ва ҳатто ҳукумат расмийлари орасида ҳам Ислоҳ Каримов режимига қарши бўлганларнинг умумий сони миллионлардан иборат эканлигини айтишимиз мумкин. Қайта қуриш йилларида ўртага чиққан илк мухолиф ташкилот бўлган “Бирлик”ни шоир ва сиёсатчи Муҳаммад Солиҳ ва сафдошлари қурган эдилар. Аммо бу ташкилотга турли сабаблар билан кирган (ёки киритилган) совет тузумининг қолдиқлари коммунистлар унинг фаолиятини издан чиқардилар.

Ўзбекистон Халқ Ҳаракати тузилди. Ҳаракатимиз билан бирга инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилотлар, диний идорадан мустақил бўлган мусулмон жамоатлар Каримов диктатурасига қарши мухолифлик курашини давом эттирмоқдалар.

Ўзбекистон Халқ Ҳаракати 2011 йилда сиёсий ташкилот сифатида ўртага чиқди. Ҳаракатимизнинг шиори “Диктатура ўрнига эркинлик, ҳуқуқ ва адолатга асосланган фуқаровий жамият қуришдир. Яъни, Ислоҳ Каримов режимининг икки асоси бор: халқни қул қилиш ва унга зулм ўтказиш. Бунга жавобан ЎХХ ватанимизда “Эркинлик ва Адолат”нинг тантаъна қилишини ўз дастури қилиб олган. Мен интернет ижтимоий тармоқларидан бирида “Сизлар Ўзбекистон учун нима қилдингизлар”, деган саволга қисқача шундай жавоб бердим:

-Ўзбекистон мустақиллигини кун тартибига қелтирдик, бунинг учун курашдик ва Ўзбекистон мустақил бўлди.

-Ўзбек тилининг давлат тили бўлиши учун курашдик ва бунга эришдик.

-Ўзбекистон мустақиллиги декларациясини ҳозирлаб, унинг Олий Мажлисида қабул қилинишига эришдик.

-Ўзбекистонда илк эркин ва адолатли сиёсий, ижтимоий ва эътиқодий ташкилотларни туздик. Бу билан халқимизнинг илмий, маънавий ва эътиқодий уйғонишига ўз ҳиссамизни қўшдик.

-Ўзбек халқини қул қилиб олган Каримов диктатурасига қарши курашдик ва курашмаяпмиз. Бу диктатуранинг жиноятларини бутун дунёга фош қилдик ва бу билан Ўзбекистон халқи ва давлатининг обрўининг қўринишига ҳиссамизни қўшдик.

-Ўзбекистонда Каримов зулмидан қочиб чет элларга кетган ҳамюртларимизга ҳуқуқий, сиёсий ва маънавий ёрдам беришга ҳаракат қилаяпмиз.

-Халқимизнинг Каримов диктатурасидан қутулиш учун мухолиф фаолиятини йўлга қўйдик ва ишга Аллоҳ яқинда бу ишда муваффақиятга эришамиз..

-Бутун бу ишларни ўз имконларимиз билан аввало Ҳақ ризоси ва кейин халқимизнинг манфаати учун қилдик. Бу йўлда шахидлар бердик.

Минглаб тарафдорларимиз Каримовнинг зиндонларида қийноққа солинди ва солинмоқда.

-Бу гапларни халқ учун нима қилдиларинг, деган саволга жавоб сифатида ёздим. Энг муҳими сиз ва сизнинг қабиларга ўхшаб диктатор Каримовнинг зулм режими тарафида бўлмадик ва бутун имконларимиз билан бузулмга қарши курашмаяпмиз... “

Албатта, ҳақиқий мухолифат сафидаги дўстларимиз бу айтилганларга қўшимча қилишлари ёки унга тузатиш киритишлари мумкин. Чунки бу айтилганлар мухолифатнинг умумий ҳисобати эмас, унинг бир аъзосининг фикрларидир.

Қисқача айтганда, мухолифат мана шундай савобли ишларни бажарди ва бажармоқда. Албатта, мухолифат сафларига режим тарафидан киритилган ва мақсади ҳақиқий мухолиф ҳаракатларнинг курашини бўшга чиқаришдан иборат бўлган сохта мухолифатчилар ҳам йўқ эмас. Аммо ҳақиқий мухолифат, яъни ЎХХ ва у билан ҳамкорлик қилаётган инсон ҳуқуқлари ташкилотлари, шунингдек бу ташкилотларга аъзо бўлмаган эрқарвар ва адолатпарвар ҳамюртларимиз Ўзбекистонда Каримов диктатураси ўрнига янги жамият қуриш учун курашмоқда. Бундай жамият халқимизнинг миллий ва эътиқодий қадриятларига, шунингдек умуминсоний тараққиётнинг ижобий қадриятларига асосланиши керак. Бу маънода Каримов режимига қарши бўлган барча ҳамюртларимизни эътиқоди, миллати, сиёсий тушунчаси қандай бўлишидан қатъий назар ЎХХ билан ҳамкорликка даъват қиламиз. Чунки ҳозирги асосий масала зулм режимининг тугатилиши ёки унинг давом этишига йўл қўймастикдир.

ЎХХ 2012 йилги мустақиллик байрами арафасида мамлакатимизда Каримов диктатураси ўрнига ўтиш даврида жорий қилинадиган амалий дастурини эълон қилди. (uzxalqharakati.com). Шунингдек, халқимиз Каримов режими зулмига қарши охириги чора сифатида исёнга бош урадиган бўлса, ҳаракатимиз бундай халқ намойишларини тинчлик руҳида ва тартибли ўтказишнинг аниқ дастурига ҳам эгадир. (uzxalqharakati.com)

Намоз Нормўмин

ЎЗБЕКЛАР КЕЛАЖАКДА ҚАНДАЙ ЮРТБОШНИ ИСТАЙДИ?

*Ўзбекистонда эрта –индин ҳокимият алмашуви, бошқа сўз билан айтганда Юртбоши алмашуви кутилмоқда. Шундай экан, оддий ўзбеклар келажакдаги Давлат Раисини, яъни Юртбошининг қандай сифатларга эга бўлишларини истайдилар? “Имон Муфассал” тахаллуси билан бизга мактуб йўллаган ҳамюртимиз бу масалада ўз фикрларини баён қилган. Фикр эркинлиги нуқтаи назаридан унинг мактубини эътиборларингизга ҳавола қилмоқдамиз.
Тахририят*



Юртбоши: — яъни бутун юртнинг, бутун Халқнинг боши. Бутун жамиятнинг умумий боши.

Юртбоши: — ўлка ҳаётидаги асосий шахс (фигура)дир.

Юртбоши: — Халқ учун масъул ва жавобгар фигурадир. У ҳар бир фуқаро ҳаёти ва фаолияти, эркинлиги, фуқаролик ҳуқуқларининг амалга оширилишида шахсан жавобгардир.

Юртбоши — У ҳар бир фуқарони ўзидан устун кўриши ва муҳим кўриши шартдир.

Юртбоши: — Аввало Ҳақ, сўнгра халқ учун яшаши ва умрини уларгагина бахш этиши шартдир.

Юртбоши: — Халқи дардини ўзига дард билиши, муаммосини ўзига муаммо билиши, ҳамиша Халқи учун саховат қилиши, Халқи билан бир тан бир жон бўлиши, Халқ устидан бўлажак ишларни Халқи билан шахсан муҳокама қилиши шартдир.

Юртбоши: — Ҳар бир фуқаронинг ҳаёти ва мулкнинг дахлсизлиги, эътиқод эркинлиги ҳамда диний қарашларнинг ҳурмаат этилиши, эркин фикрлаш ва ҳур яшаш учун шахсан жавобгардир.

Юртбоши: — ҳар бир фуқаронинг ижтимоий муаммоларини ўз муаммо-

си билиши шарт, хоҳ фуқаро хорижда бўлсин хоҳ юртида унинг ҳуқуқи ва эркинлиги юртбошнинг муҳим долзарб муаммоси бўлиши шарт.

Юртбоши: — ҳар бир Халқ аъзосининг эъзозланишини таъминлашга, эркин бўлишига, миллатнинг асосий бир бўлаги ҳисобланишига шахсан масъулдир, бу унинг бурчидир.

Юртбоши: — ҳар бир Халқи вакилини ўзидан устун билиб, унинг муаммоларини бартараф этиш масаласини биринчи масалалар руйхатига қўйиши, ҳамиша Халқи ва ҳар бир фуқароси олдида биринчи бўлиб масъулиятни ҳис этиши, ҳамиша Халқи ҳамда ҳар бир фуқароси учун қуйиб пишиши шартдир, бу унинг муборак бурчи ва масъулиятдир.

Юртбоши: — ҳамиша Халқ манфаатлари олдида шахсан жавобгардир. Ҳамиша ҳар бир фуқароси олдида масъулдир. Ҳамиша Халқ иродаси намоян этилиши, Халқининг орзуларини ўзининг орзулари деб билиши, ҳамиша Халқ йўлида бўлиши, Ҳамиша Халқ томонида бўлиши шартдир, бу унинг муборак бурчидир.

Юртбоши: — Халқининг яшаш шaroитини яхшилашга, ҳар бир инсоннинг оғир ахволини тузатишга ижобий

ёндашиши шартдир.

Юртбоши: — Ҳеч қачон халқидан ошиқ молу-давлат тўплаши мумкин эмас. Зеро унинг молу-давлати, бору-йўғи, ҳаёти ва умрининг завқи халқи манфаатидир. Халқнинг қадри – юртбошининг қадридир. Халқнинг эркин, озод яшаши — юртбошнинг ватанпарварлигидир.

Халқмиз — биз бир танмиз. Ҳар бир фуқаро бу Халқдир, ҳар бир қашшоқ ва ҳар бир бадавлат инсон – Халқдир. Ҳар бир илмли ва ҳар бир ақли расо инсон – Халқдир.

Юрт ичидами, ташқарисидами миллатимиз бир Халқдир. Ҳар бир мазлум, ҳар бир тиланчи, ҳар бир туғилаётган чақалоқ -Халқдир.

Халқ бу сиз ва бизмиз. Мана шу Халқ учун, Халқнинг ҳар бир бўлаги учун, аъзоси учун, уларнинг дахлсиз ва эркин бўлиши учун, адолатда ва эркин ҳуқуқда яшаши учун, кадр ва кимматда яшаши узун, эъзозланиши учун, бир сўз билан айтганда ҳур ва озод яшаши учун шахсан юртбоши масъулдир, бу унинг муқаддас бурчидир.

Мана шундай раҳбар ватанпарвар юртбошидир.

ИМОН МУФАССАЛ



Жаноб Президент!

Сизнинг президентлик муддатингиз 2015 йили тугаши муносабати билан ҳамда қариллик туфайли тез тез касалликка чалиниб туришингиз оқибатида давлатни бошқара олмаслигингиз ўзбек жамоатчилигига маълум бўлди. Шу билан бирга ҳозирда ҳокимият тепасида турган ва

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И. КАРИМОВГА

сиз бошлаган зулм тузумини давом эттириши мумкин бўлган ҳамтовоқларингизнинг давлатни бошқаришга интилаётганлигини кўриб турибмиз. Аммо Ўзбекистон халқи, шу жумладан биз ҳам ҳукуматни адолат билан бошқара оладиган раҳбар ҳокимият тепасига келишини истардик.

Ўзбекистондаги миллионлаб фуқаролар ҳозирги ҳукмрон тузумнинг зулм, ҳақорат, зўравонлик, босқинчиликларни ўз бошидан ўтказаётирлар. Биз мана шу иллатларга барҳам бериш учун курашмоқдамиз.

Давлатни ҳалол ва адолатли бошқара оладиган шахслар муҳолифат ичида топилади.

Ўзбекистон муҳолифати вакилла-

ри раҳбарликка келса, мана шу иллатларни тугатамиз, ҳозирдаги тузум вакилларида қилган ҳатолари учун ўч олишликка йўл қўймаймиз ва қасос олмаймиз.

Шундай экан, сиз дарҳол Президентлик вазифасидан истеъфо беринг. Бу билан эркин сайловлар ўтказиш ва янги адолатли, қонун ва ҳуқуқнинг устунлигига асосланган жамият куриш учун имконият пайдо бўлади.

Абдулло Тожибой ўғли

“Ўзбекистонда ҳалол ва адолатли сайловлар учун” жамоат бирлашмаси Матбуот Маркази

Тошкент, Ўзбекистон

Якин давргача, хорижда ижод қилган Юлдуз Усмонова, кўпчилилик мухлислари назарида Ўзбекистондаги бугунги тузум ичидаги биқиклик ва эркисизликдан безигани учун мамлакатга қайтмаётгандек эди. Мухлисларнинг баъзилари хаттоки, “Юлдуз опа Каримов ва унинг тўраларига қарши” дея фикр билдирганини эшитдик. Мухлислар орасида кенг тарқалган бу фикр, Юлдузнинг оддий ўзбеклар ичи-

Гулнора Каримованинг ҳамма билган ва таниган ёқимсиз ва бадбўй шахси шу тариқа халққа яқинлаштириляпти. Бунинг ортидаги мақсадлар эса ҳаммага аён...

Юлдузга қайтамиз. Куни кеча, ўша Гулноранинг ташкилоти томонидан ўтказилган “Асрлар садоси” фестивалида, Юлдузнинг катта сахнага қайтиши расман тасдиқланиши лозим эди.



Кейин Навоийдаги Сармишсой дарасигача келдию... сахнага чиқишига деярли бир соатларча қолганда ҳаммаси ўзгарди” деб ёзди sayyod.uz блогги.

Ўша гала-концертда иштирок

“ГУЛИСАН” ЮЛДУЗГА ЁРДАМ БЕРМАДИ...

даги обрўси ва мавқеини юқори даражада ушлаб турарди.

Лекин, ўтган йили “Ўрта Осиё Примадоннаси”, кутилмаганда ўз мухлисларининг хафсаласини пир қилиб “Гулисан” дея қўшиқ кўйлаб юборди ва ўзининг “Оксарой ялоқхўри” бўлишига рози эканлигини билдирди.

Неча минглаб мухлисларнинг кўнгли чўқди. Боласи учун бир тишлам егулик топиш илинжида, баданини сотаётган келинчақлар “Мардикорга чикди аёллар”ни эшитмай кўйишди. Бобур майдонида бошига ўқ қадалган фарзандининг хидини соғинган ота-оналарнинг кўзига “Мен худоман деган куллар кўрқитар” кўшиғидан сўнг ёш келмайдиган бўлди...

“Мен Юлдузни осмондаги бургут деб билардим. У оддий ўлаксахўр экан” дейди бир мухлис.

“Нахотки Юлдуз «Халқлар дўстлиги» сахнасига қайтиш учун Гулнора каби бир беҳаёнинг этагини ўпди? Ахир у ҳар қандай сахнадан ҳам буюк бўлган ўзбеклар юрагининг тўрида эди-ку?” дейди яна бири...

“Гулисан” кўшиғи ва унга ишланган клип ҳозирги кунда Ўзбекистон давлат ва нодавлат ТВ ҳамда радиоканалларида тинмай “айлантириляпти”.

Аниқроғи, ўша фестивал Юлдузнинг “Асрлар садоси” кўшиғи билан яқунланиши керак эди. Унинг бу тантанавор кўшиғи барча ТВ каналлар орқали мамлакат ичига ва ташқарисига қайта-қайта намоийш қилиниши кутилганди.

Бу ҳақда Ўзбекистоннинг сарик матбуоти аввалдан хабарлар ҳам тарқатиб, Юлдузнинг янги кўшиғи “юрақларни зир титратиб, кўзларга ёш келтириши” ҳақида ёзган эди.

“Асрлар садоси” фестивали иштирокчиларидан бирининг айтишича, аввалига ҳаммаси режа бўйича кетган, яъни, Юлдуз Усмонова фестивал иштирокчилари сафида, тадбирнинг бошидан Навоий вилояти Сармишсой дарасига етиб борган.

Фестивал гала-концерти фонограммаси ёзилган дискда Юлдузнинг “Асрлар садоси гимни” кўшиғи ҳам бўлган. “Прогон”ларда (репетицияларда) ҳам бу кўшиқ янграган.

Лекин, фестивал якунидаги гала-концерт бошланганида, Юлдузни сахнага чиқармаслик ҳақида Тошкентдан шошилиш хабар келган...

“Ваҳоланки мазкур тадбир юзасидан Юлдуз Усмонова аввал Бухорода ҳам бўлди.

этанг бир хонандага кўра, “Примадонна” бу хабарни эшитиб, хос хонанда ўтирган Гулноранинг ҳузурига чошиб кетган. Бир оздан сўнг у ердан йиғлаган ҳолда қайтиб чиққан.

Телефон орқали ким биландир қаттиқ-қаттиқ гаплашган Юлдуз, гала-концертни тарқ этишга шошилган. Бироқ, уни олдига Гулнора Каримова чиқиб келиб, уни ўзининг хос хонасига олиб кириб кетган.

Гала-концерт эса, Юлдуз Усмонованинг кизи Нилуфар ижросидаги “Нима қилдик Ватан учун?” кўшиғи билан яқунланган.

Кўшиқ сўнгида кизига гул кўтариб чиққан Юлдуз, томошабинларга қараб, “Мен Сизларни севаман” деган ва хўнграб сахнани тарқ этган.

Кўриниб турибди-ки, катта сахнага қайтиш учун, беҳаёлик ва ўғирлик рамзига айланган кимсани улуғлаб кўшиқ айтишнинг ўзи бўлмас экан. Ўша кимсанинг тахтга эгалик қилишига қарши бўлган бошқа “номзод”ларнинг ҳам кўнглини олишга тўғри келади шекилли.

Шунинг учун бўлса керак, Тошкентдан келаётган узунқулоқ гапларга қараганда, Юлдуз Усмонова, студияни ичидан беркитиб олиб “Ўзбегимнинг Шавкати” ва “Рустами бор ўзбек эгилмас!” деб номланган кўшиқларини ёзишга киришиб кетганмиш. Ҳар эҳтимолга қарши, тадбир олиб қўйган барибир яхши-да...

Улуғбек Ҳайдаров.

НАМАНГАНДА ДАҲШАТЛИ ЖИНОЯТНИ СОДИР ҚИЛГАНЛИҚДА ШУБҲАЛАНАЁТГАН ШАХС ҚЎЛГА ОЛИНГАН

Наманган шаҳрида катта шов-шувга сабаб бўлган даҳшатли жиноят юзасидан турли миш-мишлар халқ ўртасида кенг тарқалди. Мазкур жиноят сабаб бошланган кенг кўламли қидирув ишлари бошланган эди.

Бир неча кун аввал жиноятни содир қилганликда шубҳаланаётган шахс қўлга олинган.

Бу шахс Т.Д Наманган вилоятида 1979 йилда таваллуд топган, Қумқўрғон қишлоғида истиқомат қилади.

Бу даҳшатли жиноятдан олдин ҳам бу одам уюшган жиноятчили-

кларда қатнашиб келган.

Асосан ўғрилик ишлари билан шуғулланган. Ичкиликка муккасидан кетган, педофилия жиноятларини олдинлари ҳам содир этган.

Суриштирув натижаларида аниқланган ушбу шахсни қўлга олиш учун Қумқўрғон қишлоғи мунтазам назорат остига олинди. Жиноятни содир қилганликда шубҳаланаётган шахс Наманган шаҳридаги яқинларидан бирининг уйида қўлга олинди.

Жиноятчи ҳозирда тергов қилинмоқда.

Ҳамтовоқлари ҳам яқин кунларда қўлга олиниши мумкин.

Эслатиб ўтамиз мазкур иш юзасидан жиноятчи қўлга олинмагунча милиция ходимлар мунтазам оёқда турди, уларга ойлик маош берилмаслиги ўқтирилди, ҳеч қандай дам олиш ва оила аъзолари олдига бориш, бошқа иш ва масалалар билан шуғулланиш таъқиқланди.

Ушбу мавзуга оид хабар: <http://uzxalqharakati.com/archives/18366>

Наманган шаҳридан
УХХ хайрихоҳи

Хурмагли тахририят!

Мен hozир Москвада яшайдиган ўзбекларданман, олий маълумотлиман, бу ердаги илмий текширув институтларидан бирида ишлайман.

Бир неча кун олдин бир ҳамкасбим билан гаплашган эдим. Унинг Путиннинг тана қўриқчилари орасида дўсти бор экан.

Ўша дўстининг айтишича, Каримов Москвага келган

пайти ахволи жуда оғир бўлган Айтишича, хақиқатан ҳам, Каримов юрак хуружини бошдан кечирган, фақат бу «обширный инфаркт» эмас «тяжёлый сердечный приступ» бўлган.



КАРИМОВНИНГ МОСКВА САФАРИ СИРИ

Яна бошқа бир манбанинг айтишича, Оксаройда хорижий матбуот шарҳини хар куни Каримовга етказиб берадиган ходимни ўша инфаркт хақидаги гап сўзлар кучайган пайтда Каримов ёнига

умуман киритилмаган. Бу ҳолат илгарилари кузатилмаган экан.

Каримов нега борибди Путиннинг ёнига, деб сўрасам?

“Он же ведь старый коммунист. Не хотел чтобы слухи распространились еще сильнее”, деди.

Яъни, Каримовнинг Москвага сафарининг сири худди Қозоғистон Ташки

Ишлар вазирини қабул қилиш каби бўлган. Бу учрашувлар оркали

Ўзбекистон диктатори фақат ўзининг касалигини яширишга уринган.

Сафар Тўраев
ЎХХ хайрихохи

4 май куни тонги 714 да қўл телефоним жиринглади. Қарасам Бахтиёр аканинг номери. Хар сафар Бахтиёр ака менга кўнғироқ қилса менинг кўнглим кўтарилар эди. Шунинг учун мен Бахтиёр ака кўнғироқ қилипти, деб ўйлаб телефонни хурсанд бўлиб кўтардим.

ОРАМИЗДАН АЖОЙИБ ИНСОН КЕТДИ

Лекин телефондан Бахтиёр аканинг овози эмас, ўғли Хусаннинг овози келди ва «Озода опа, мен Хусанман, дадамни hozир тонгда бериб қўйдик», деб айтди. Мен бу гапни эшитиб шок ҳолатга тушиб қолдим, чунки биз ажойиб инсон Бахтиёр Ҳамроевдан айрилиб қолганимизни тушуниб етдим.

Мен 9 май «Хотира ва Қадрлаш куни» муносабати билан Бахтиёр Ҳамроевни ёсламоқчиман. Бахтиёр ака хақиқатдан ҳам ажойиб инсон эди. У киши мен каби оила аъзолари қамалган одамларга қўлидан келганча ёрдамни аямасди. Менга: «Озода, мен укам учун қўлимдан келган хар қандай ишни қиламан» дерди. Хар сафар Бахтиёр аканинг уйига борсам биринчи навбатда «Азамжоннинг соғлиги яхшими?» деб сўрар эди. Мен «Жаслик»қа кетсам ҳам, келсам ҳам: «Келяпсанми, етиб келдингми, кирдингми, кўриб чиқдингми?» деб тинимсиз кўнғироқ қилиб турар эди. Мендан соғлигини эшитиб: «Асосийси соғлиги яхши бўлса, ҳаммаси яхши бўлади» деб айтар эди.

Ўзининг соғлиги яхши бўлмаса-да, лекин қамоқда қолган инсон ҳуқуқи ҳимоячиларини соғлиги хақида қайғурар эди. Касаллигини эшитиб 2 – 3 марта уйига кўргани бордим. Лекин ҳеч ҳам ўламан деб айтмас эди. Мен тушкунликка тушсам у киши менга: «Хали Азамжон чиқади, ўғлингнинг тўйида ўйнаймиз» деб айтар эди. Охирги марта, адашмасам 10 апрел куни, Бахтиёр аканинг уйига борганимда зўрға юриб қоғоз қалам олиб ёзишга тушди. «Азамжоннинг чиқанини кўрармиканман?» деб айтди. Мен: «Бахтиёр ака, ундай деманг, сиз албатта кўрасиз» деб айтган эдим. 10 ёки 11 апрел куни келиб кетгин деб кўнғироқ қилувди.

Озодбек икковимиз бориб келдик, бирга чой ичдик. «Озодбек худди дадасининг ўзи-я!» деб, Озодбекни ўпиб, ёнига ўтқазиб: «Чой ичамиз икковимиз» деди. Мендан: «Азамжонни соғлиги хақида гапириб бер» деб айганларимни ёзиб олди. Мен «Жаслик»қа борсам, Озодбекнинг

дадаси ҳам биринчи навбатда «Бахтиёр ака қандай?» деб сўрар эдилар.

Бахтиёр ака «Акам яхшими?» деб мендан дадамни ҳам жуда кўп сўрар эди. Ўзининг шунча дарди бўлса-да, лекин мен каби юраги дардга тўла одамларнинг дардини тинглаб ва уларга далда бўлар эди. У киши ҳуқуқ ҳимоячилик фаолияти давомида жуда кўплаб тазйиқларга учради. Лекин шунда ҳам ўз фаолиятдан кечмади. Сўнги дамгача инсон ҳуқуқлари учун хизмат қилиб кетди. «Оёқдан йиқилгунимча Азамжон учун курашаман» деб таъкидлар эди. Хақиқатан ҳам Бахтиёр ака оёқдан йиқилгунча инсон ҳуқуқлари учун курашди. Қатор халқаро ташкилотларнинг йиғилишларида, элчихона ходимлари билан бўлган учрашувларда у қамоқдаги инсон ҳуқуқлари ҳимоячиларини озод этилишини сўраб мувожаатлар қилиб келди.

Бахтиёр ака кўролмаётган яхши кунларни фарзандлари кўришини, Оллоҳ жойларини жаннатдан қилишини сўраймиз. Биз сиз қилган хизматларни ҳеч қачон нутмаймиз. Хар доим бизнинг ёдимизда бўласиз. Охиратингиз обод бўлсин!

Озода Ёқубова

ҚИЗИМНИНГ ХАТИГА ҚЎШИМЧА

Жиззахдаги уйимга ён қўшни бўлган хонадонда Икромжон исмли бир йигит оиласи билан яшайди. Олий маълумотли врач, ўз вақтида танилган шифокор бўлган бу йигит негадир руҳий хасталикка учраган. Эрталабдан кечгача уйи олдида сизгарет чекиб, ўтган-кетганга қараб ўтиради, деярли гапирмайди.

Бир сафар Тошкентдан келганимда у касалига доир бир иш билан



Тошкентга бормоқчи бўлиб турган экан. Қайтишда уни машинамага миндириб олиб кетдим. Ҳамроҳинг гапирмаса

одам зерикар экан. Мен унга гапира бошладим. Кафедрада бирга ишлайдиган, асли тўйтепалик Муртазо Бўрибоев деган дўстим бор эди. Мен уни, у эса мени, хақиқий дўстим деб ҳисоблардик. Ўша сафаримдан сал кун илгари Муртазо жигар циррози туфайли оламдан ўтган эди. Муртазо ажойиб инсон, кучли математик эди.

У касалхонада ётганида мен уни 2-3 марта кўргани бордим. Охирги марта борганимда у ўлим билан юзмаюз экан: бурни, қулоғи ва оғзидан қон оқаётган экан. Унинг овози зўрға эшитиларди. У мена: Толибжон, Қуръони Каримнинг сураларидан биттасини ўқинг, деди. Мен ўқидим. Мендан кейин катта қийинчилик билан у ҳам битта сурани ўқиди. Шу пайт мени врач чақириб қолди. Олдига кирсам: «Сиз Бўрибоевга ким бўласиз?» деб сўради. Мен: «Дўсти бўламан. Нима гап?» дедим. Врач: «Дўстингизнинг вафот этишига 1-2 кун, балки соатлар қолди. У кишининг оила аъзоларига бориб айтинг, олиб кетишсин. Охирги соатларни оила аъзолари олдида ўтқазсинлар» деди. Шундай қилдик. Муртазо икки кундан кейин вафот этди. Уни Тўйтепадаги қабристонда онаси Тожихон аянинг ёнгинасида қабрга қўйилди.

Мен Икромжонга шу қайғули воқеани гапириб бердим. Икромжон бир фурсат жим ўтирди ва мен кутмаганда гапира бошлади: «Яхши инсон бу дунёга ҳам керак, нариги дунёга ҳам керак. Шунинг учун Аллоҳ яхши одамларни тезроқ Ўз ҳузурига чорлайди» деди. Мен қотиб қолдим – бу чуқур фалсафани мен илгари эшитмаган эдим. Мен қизимнинг фикрига тўлиқ қўшиламан: Бахтиёр хақиқатан ажойиб инсон эди. Унинг охиратини Аллоҳ обод қилсин! Амийн.

Толиб Ёқубов.

Ёшлар ҳамма вақт қувватга тўлган бўлишади ва халқимизда “ёшларнинг қони қайнаб туради” дейилади. Қизиқ, ёшлик давриданоқ қонунсизликка, таҳқирларларга, эркининг чегараланиши, ҳамда элнинг оммавий тарзда отиб ташланишига дуч келган, ёки вандализм ва ҳукуматнинг алолатсизликларга дуч бўлган ёшлар онгида нима бўларкин?

ЁШЛАР ОЗОДЛИК ИСТАЙДИ



Кўп ҳам ўйлаб ўтирмай шуни таъкидлаш мумкинки, бу каби ёшлар озодликка – сўз эркинлигига, фикр эркинлигига ва фаолият кўрсатиш эркига ташна бўлишади. Улар халқни оммавий равишда таҳқирлаётган мана шу мавжуд режимни, системани ҳам йўқ қилишга жаҳд қилишади.

Мен мана шу каби катта куч бўлган ёшларнинг бириман холос ва мен ҳамма вақт ватанимнинг келажаги учун курашга тайёрман. Ҳамма вақт Ўзбекистоннинг бугунги ҳукмрон режимига қарши турадиган йўлни излардим ва билардимки, қачондир бир кун шундай кун, имконият менда пайдо бўлади. Асосийси, зарур бўлган вақтда зарур бўлган жойда бўлишим эди, холос.

Шундай қилиб, 2011 йилнинг ёзида менинг яқин дўстларимдан бири ҳозиргача мен билмаган, ҳамда мамлакатдаги мавжуд диктатор режимини тинч йўллар билан бартараф этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган, Ўзбекистондаги вазиятни ўзгартиришга аҳд қилган ва аста-секинлик билан бўлса-да куч тўплаб бораётган мутлоқ янги бир ташкилотнинг аъзоси эканлигини билиб қолдим.

Шунда қатъий тарзда уларга қўшилишга қарор қилдим.

Аста-секинлик билан улар тарқатаётган, мамлакат ичкарасида топилмайдиган материаллари билан танишиб бора бошладим, табиийки, улар ҳақида ҳам кўпроқ маълумотларга эга бўлаётгандим.

Мен қисқа вақт ичида қўлга киришиб, танишиб чиққаним, ўша кўплаб материаллар оромимни ўғирлади. Ўзимдаги ҳақиқатни бошқалар билан ҳам, айниқса ҳақиқатдан четда қолаётган одамлар билан баҳам кўриш истаги пайдо бўлди менда. Ўзбекистон ёшларининг ҳаммасини зolim режимга қарши норозилик билдиришга, ҳукумат бебошлигига қарши чиқишга чақиргим келди.

Ўша орзу қилинган озодликни ис-тадим – мана, қандай қилиб менинг ёш қалбимдаги қоним қайнаб кетди.

Узоқ фикрлаб ҳам ўтирмасдан, ўзим билан фикрдош бўлганларни излай бошладим, улар билан фикр алмашишдим, ҳамда тенгдошларимни ҳам бу кураш йўлига қизиқтириб, бизнинг бу ташкилот фаоллари со-нини ошириб бордим. Ўзбек ёшларнинг кўзини қоплаб олган пардани даф этиш учун, ҳукуматнинг ҳамма кирдикорларини фош этади-ган, ҳақиқат акс эттирилган матери-алларни тарқата бошладим. Ўзбек ёшларининг мутлоқ кўпчилиги Каримов режимига қарши сиёсат тарафидалар, бироқ улар кўрқув исканжасида бўлиб, ўз фикрларини очиқ баён этишдан ҳам чўчиб яшайдилар.

Мен ва атрофимдаги сафдошларим Ўзбекистон Халқ Ҳаракати ғояларини имкон даражасида кўпроқ ёйишга ҳаракат қилдик, шу билан ёшларга уларнинг сукутда туришлари билан ҳеч қандай ўзгариш бўлмастлигини ва қандайдир ҳаракат бошлаш лозимлигини ту-шунтирдик. Биринчи масала, ўз ватанимизда ижобий ўзгаришлар қилишга ҳисса қўшишни истаганларни, ҳамда мавжуд режимга қарши туришдан чўчимайдиганларни ўз сафларимизга тортиш эди.

Ўзбекистон ёшлари, ака-укалар, опа-сингиллар, сиз ёлғиз эмассиз ва ҳаракат қилиш вақти келди. Сиз-да янги ва етарли даражада кучга кириб бораётган Ўзбекистон Халқ Ҳаракати сафига кириш имконлари бор. Иқтидордаги ҳукумат ЎХХ ни қандай усуллар билан бўлмасин, тўхтатиб қолишга ҳаракат қилса-да, биз улар олдида таслим бўлмастлигимиз лозим. Ўзбекистон ёшлари, биз мамлакат келажадир-миз. Келинг, ватанимизнинг порлоқ келажаги учун кураш йўлига кирай-лик ва биргаликда қассоб – дикта-тор Каримовнинг режимига нуқта қўяйлик.

Искандар Умаров

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ АҲВОЛ ҲАҚИДА



Куйида Турк дунёсининг буюк шо-ири Абдурауф Парфининг нашр учун тартибланган «Сокина» номли кито-бидан шоирнинг ватанда бўлаётган воқеаларга муросасиз муносабати акс этган бир парчани эътиборингизга ҳавола қиламиз.

СЎЗЛАР

Инсоният тугал ҳақиқатга ҳеч қачон эриша олмайди, аммо ҳақиқат излов-чиларнинг узлуксиз ҳаракат жараёни, ҳаракат йўли — ҳақиқатнинг ўзидир.

Абдулҳамид Чўлпон “Хаёл. Хаёл. Фақат хаёл гўзалдир, Ҳақиқатнинг кўзларидан қўрқамен”, деб ёзади.

Бу ерда шоир ҳақиқат сўзига фалса-фий таъзим сифатида эмас, у ҳақиқат деганда, атрофда, кўз ўнгида кечаётган аниқ воқеликни назарда тутган.

Теварак – атрофда кечаётган воқеликни ҳар ким ўз қаричи билан ўлчайди, ўз дунёвий билими даража-сида идрок этади, албатта. Аниқ гапни ҳали ҳеч ким айтганича йўқ. Айта ол-майди ҳам.

Менга ўхшаган ўртача фикрлайди-ганлар – инсон ўз виждонини, иймо-нини қанчалик покиза сақласа, шун-чалик дунёда тинчлик, хотиржамлик асралади, деб юрсак, ақли расолар бир-бирини ғажиб, бир-бирини итдек таламоқда, минг йиллик ғанимлардек бир-бирини ўлдирмоқда.

Бу алоҳида мавзу бўлиши мумкин, аммо биз бугун танлаган асосий мав-зуга алоқаси бор.

Биз ютуқларимиз, ғалабаларимиз, оламшумул микёсида таракқий эта-ётганимиз, ер ости, ер усти бойли-кларимиз халқ кўлида экани, оғир са-ноат, энгил sanoat халқаро майдонда биринчи ўринда экани, айниқса бизда Инсонга эътибор, Инсон кадрияти ҳар нарсадан устивор экани ҳақида радио-телевизионда ночор эшитти-риш ва кўрсатувларда, минглаб бир-бирдан унчалик фарқ қилмайдиган газет-журналларда эрта тонгдан эрта тонггача, ҳар кун, ҳар тун, ҳар соат, ҳар дақиқа, ҳар сония тинимсиз ўқиймиз, кўрсатамиз, гапирамиз, лоф ураимиз, ортиқча ҳаяжонланамиз ва албатта, бу ютуқлар ва ғалабаларни бир кишининг номи билан боғлаб олиб борамиз.

(Давоми кейинги саҳифада)

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ АҲВОЛ ҲАҚИДА

(Давоми: Боши олдинги сафада)

Ютуқларимиз ўз йўлига, аммо ҳақиқат- яъни воқелик ўзгачадир. Бу, аввало, юртимизда Инсон қадрининг тушиб кетганида кўринади.

Биз демократияга интилаётган авторитар давлатда яшаймиз, яъни муҳаққак ҳарбий кучга суянувчи, табиийки мелисия давлатида яшаётганимиз букун ҳар бир Ўзбекистон фуқаросига ва бутун жаҳонга сир эмас. Олтмиш фоизи саводсиз, жоҳил кимсалардан иборат бўлган милисиясининг камокхоналарда, бозорларда, авто йўлларда, жаъмики йўлларда ватандошларга зулм қилаётганлиги ва бошқа кирдикорлари барчага маълум. Ёки тузатилиши керак бўлган солиқ тизимининг кучланиши халқнинг тинчасини қуритганини ким билмайди? Бундайин аянчли иллатларни кимдан яширамыз? Ўзимизданми? У дунёданми?

Ўқитувчиларнинг ишлаётган мактабларини, институтларини, университетларини йиғиштириб, деҳқончиликка чиққанларини ёки ўзларини бозорга урганларини қандай изоҳлаймиз?

Тиббиёт манзилларидаги тибб ходимларнинг пора- рушват олишга мажбур бўлаётганларини қандай тушуниш мумкин? Олимларнинг, ёзувчиларнинг, рассом, санъат аҳлининг – жамики ижодкорларнинг қайғули аҳволига нима дейсиз?

“Тўртинчи ҳокимият” деб аталган журналистларнинг тепадаги учта ҳокимият тарафидан бўғилаётганини ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз.

Ўзбек оилаларининг бузилиб кетаётганига асосий сабаб ночорлик ва кашшоқлик экани сирми?

Кизик, фуқаронинг бир кути папиросини, бир халта ёнғоғини ағдариб синчков текширувчи мелиса бомбачалари бемалол ўтказиб юборса, ёки террористларга сотилганмикан мелиса?! Астафурulloх, алҳазар.

Бу шафқатсиз зўравонликлар ичдан бўлса, уни аниқлаш, ташдан бўлса буни фош қиладиган халқаро ташкилотлар билан юзма-юз бўлиш керак.

Алҳамдиллох, ҳаммамиз мусулмонимиз. Эй биродарлар, мусулмон дегани террорчи дегани эмас. Ватандошлар, терроризмга қарши кураш никоби остида, худо кўратмасин янги террорга йўл қўймайлик, тинчликни сақлаш никоби остида тинч аҳолининг тинчлигини бузишга йўл қўймайлик.

Ҳазрати Навоийнинг сўзлари ёдимга келади:

*Кўзи қон тўкмак ичра қонмай ҳеч,
Ўзин холин ўзи инонмай ҳеч.
Ёрлик қайда қолди ёронлар,
Йўқ мусулмонлик, эй мусулмонлар.
Эй, Навоий, не бўлса гуфторинг,
Айла бунёдким, худо ёринг.*

Бундай чегарасиз зўрлик, ҳамма жойда такрор-такрор айтилаётганидек, бусиз ҳам кўрқув ичинда яшаётган халқни яна-да кўрқувда, яна-да кашшоқликда, яна-да жаҳолатда сақлаш учун лозим, зolimларга.

Агар ҳукумат фуқароларини моддий, маънавий химоя қилишга қодир эмас экан маданий дунёларда истеъфого чиқади, ўз халқидан узр сўрайди, ўз халқини ўққа тутмайди.

Бизга бир кунлик, бир соатлик меҳмурувват керак эмас. Гап бир миллатни ҳалокатдан қутқариш устида кетмакда. Халққа ҳеч нарса бермайдиган қўшма корхоналар, маданиятсиз маданий марказлар, янги-янги кўғирчоқ партиялар, турли нодавлат ташкилотлар тузиш учун эмас, аввало етмиш фоиз касалликка чалинган аҳолига тиббий ёрдам, арзон дори-дармон, бутун дунёда қабул қилинган киши бошига ўртача тиббий расион бўйича овқатланиш ҳуқуқи керак, аҳолининг сотиб олишга қурби етадиган нархда табиий озик-овқат маҳсулотлари керак.

Ёлғон, рушват, бузуқлик, маддоҳлик, гиёҳвандлик авж олаётган юртдан Иймон қочади, Ҳақиқат юз ўгиради.

Ҳазрат Аҳмад Яссавий ёзади:

Аҳли дунё халқимизда саховат йўқ,
Подшоҳларда, вазирларда адолат йўқ.

Ўзбекистонда мурувватли одамлар ғоят ноёб. Бойларимиз ҳали тўйганлари йўқ, тўйганлари эса ахлоқан бузилишга мойил. Тузалиш учун илоҳий ва дунёвий билимлар зарур.

Ҳазрат Навоий айтганларидек: Мурувват- борча бермақдир, емак йўқ.

Мурувват ҳар кимнинг қўлидан келмайди, мурувват қилишга қодир инсонлар, улуғ инсонлардир. Биз халқимизми, тўдамизми, оломонимизми, подамизми, билмаймиз.

Биз Бугунни кўриб турибмиз, эртага нима бўлишини ҳеч ким, ҳеч бир авлиё башорат қилолмайди. Инсонга берилган неъмат ҳам шу, Инсоннинг фожеаси ҳам шундадир.

Ёвузлик ҳамиша қуролланган, кўзлари ҳар қачон очиқ ва химоялангандир. Эзгулик ҳамиша қуролсиз, ҳамиша кўнгилчан, ҳамиша химоясиздир.

Агар биз халқ бўлсак Аллоҳга шукр, агар бўлмасак-да нажот Аллоҳдандир. Ҳақиқат- Ҳақдир.

Улуғ озарбайжон шоири Муҳаммад Ҳодийнинг ушбу шеъри билан сўзимни мухтасар қилдим:

“Муҳаббатлар муваққатдир, адоватлар ҳақиқатдир,
Адолат қайда, лекин зулму ваҳшатлар ҳақиқатдир.

Қани ҳуррият оламда асоратлар ҳақиқатдир, Балолар, дардлар кўпдир фалокатлар ҳақиқатдир.

Қадарлар, ғуссалар, ғамлар, сафолатлар ҳақиқатдир,

Бутун осоримиз қонли, жинойтлар ҳақиқатдир”.

(28.03.04. кеч соат 5-00.)

Айриликлардан иборат...

Вақт ўткан сайин йўқотганларингизнинг алами каттариб, ўзингизнинг йўқолиб бораётганингизни ҳис қилиб яшар экансиз.

Ҳамма йиллар, ҳамма ойлар, ҳамма соатлар айриликлардан иборатдек туюлади мен учун. Хаёлимда изтироблар сира қамаймади, аксинча ортиб борди. Чорасиз сайёраимиз инсон фарёдини кўтариб айланаверди, айланаверди-ҳеч нарсани тузатолмадик.

Ўлим кўзимизни тўсиб тураверди. Наҳотки, зулм абадий бўлса, наҳотки эзгулик бу қадар заиф. Ҳазрат Навоий айтганларидек: “Ғамингга чорасизлик чора бўлмиш”.

Чорасизлик Инсонни ерга уриб, осмонга отади. Бас қилинг алдоқни, ёвузликни, деб бўшлиққа ҳайқирасиз. Ҳайқирингизнинг ичида чўкиб кетасиз.

Лекин ноумид шайтон, яхши кунлар, албатта, олдинда бор. Инсон Умиди билан Инсон.

Устозлар ҳақида сўз кетганда талмовсираб, нима дейишимни билмай қоламан. Кўз олдимда уларнинг пурвикор сиймолари гавдаланади, мен шўрлик уларга шогирдликка арзимаслигимни аниқ, аччиқ ҳис қиламан. Лекин устозлар ҳақида гапирмаслик мумкин эмаслигини ҳам тушунаман.

Мен сайёҳман, йўловчиман, ғаввосман, Сиз англаган, Сиз забт этган Адабиётга даҳлим йўқ, жуда борса адабий сайёҳман,- дейман қалтираб, қакшаб.

Хаёлан тиз чўкиб узр сўрайман.

Бас, менинг учта пириим бор, улардан кўмак, мадад тиланаман. Яссавий пириим, Навоий пириим, Тҳакур пириим – Гурузев.

Менга қўл узатган устозларим бор- Абдурахмон Водилий, Асқад Мухтор, Шукрулло.

Улуғ Туркистоннинг тўққизта улуғ дарёси бор: Амударё, Сирдарё, Абдулла Қодирий дарёси, Абдурауф Фитрат дарёси, Абдулхамид Чўлпон дарёси, Мухтор Аvezов дарёси, Чингиз Айтматов дарёси, Ўлжас Сулаймон дарёси, Муҳаммад Солиҳ дарёси.

Менинг томирларимда ҳам шу тўққизнинг қонлари оқади. Мен бу улуғ дарёларнинг соҳилларида саргардонман, доим ташнаман, очман, мухтожман..

2004

Рауф Парфи

АБДУЛЛА ОРИПОВ ҲУКУМАТ ОЛДИДАГИ “АЙБЛАРИНИ” ПУЛИ ВА МУЛКИ БИЛАН “ЮВМОҚДА”

Ўзбекистон Бош вазирининг собиқ ўринбосари Абдулла Орипов республика ҳукумати олдидаги “айблари”ни ўз пули ва мулки билан “ювмоқда”: президент Каримов ва Бош вазир Мирзиёевнинг талабига биноан ҳукумат тадбирларига хомийлик қилмоқда.

Хусусан, шу йил 19 март куни Тошкентда ўтказилган Наврўз тантаналарига айнан Абдулла Орипов хомийлик қилган. Президент Каримов иштирокида ўтган ушбу тадбирга кетган 6,5 миллиард сўмни (давлат курси бўйича тахминан 3 миллион АҚШ долларини) собиқ вице-премьер “ўз ихтиёри” билан тўлаган.

Бу воқеадан сал одинроқ, аниқроғи, шу йилнинг февраль ойида

эса Абдулла Орипов ўзига тегишли шахсий ўчоқни Қозғистондан олиб келиб, “Ўзбекистон Ҳаво Йўллари” миллий авиакомпаниясига “ўз ихтиёри” билан “ҳада” қилган.

Маълумки, 2012 йил 25 сентябрь куни Ўзбекистон Халқ Ҳаракати сайти ўз веб саҳифасида “Абдулла Ориповнинг шахсий «Боинг»и аниқланди” сарлавҳали хабар эълон қилиб, унда “Ўзбекистон Ҳаво Йўллари” МАК Ўзбекистон Бош Вазир ўринбосари Абдулла Ориповга тегишли бўлган «Boeing-747» ҳаволайнери билан бойиши мумкинлигини тахмин қилганди. Бундан ташқари, шу хабарда «Абдулла Ниғматовичнинг “Боинг”

иши билан эса МХХ терговчилари шуғулланишмоқда.

Уларнинг ҳисобларига кўра, самолёт 160 миллион долларга харид қилинган. Унинг учун тўланган пул Хитойнинг “Huawei” ширкатидан тўланган”, — дейилган.

Ўзбекистон Халқ Ҳаракатининг мана шу тахминлари тўғри чиқиб, бугунги кунда Абдулла Ориповга тегишли бўлган ушбу ўчоқ “Ўзбекистон Ҳаво Йўллари” балансига ўтказилган ва Тошкент аэропортига келтирилган.

Эндиликда Ўзбекистон Бош вазирининг собиқ ўринбосари ўз мулкини ҳукумат айтган жойларига хатлаб, давлат тадбирларига хомийлик қилишга мажбур.

УХХ ахборот маркази

“АНДИЖОН БОРАЙ” ДЕДИМ — БОРОЛМАДИМ

Монолог шаклида битилган тубандаги надоматнома дунёнинг ривожланган мамлакатларидан бирида ишлаб юрган муҳожир онага дохил. У айтди — биз оққа кўчирдик, холос.

Яна бир уйқусиз кечам тонгга улашди. Қанийди қанотим бўлса, Андижонга елдек учиб борсам. Ўғлим, арслоним, ўша суҳбатимиздан кейин уйқу менга ҳаром бўлди.

Сен — менинг кўкрак сутимни эмган бола СНБда ишлаш ниятингни айтганингдан кейин тинчим йўқолди. Қалбимни илон чаққандек, дарддан тўлғонаман.

Бу фикр сендан чиққанига сира ишонгим келмайди, болам. Мен сенинг бу ишинга рози эмасман, ниятингдан қайтмасанг, тириклайин гўрга кираман.

Андижон қирғини, кўкрагидан ўқ еган эмизикли оналар, уч ойлик чақалоқнинг қонга беланган жасади ҳалигача кўз ўнгимда. Наҳотки, сен — менинг фарзандим шу қотиллар сафида хизмат қилишдан ор қилмайсан. Наҳотки, сен ўша мудҳиш кунларни шунчалик тез унутган бўлсанг?!» Қозонга яқин юрсанг, қораси юқади, ёмонга яқин юрсанг, яраси» дейди донолар.

“Яхши пул топиб, иззат-икромда бўламан”, дединг. Ниманинг эвазига топасан буларни, ўғлим? Халқинга зулм эвазигами? Золим ҳукуматга хизмат қилибми? Сендан умидим шумиди?

Ўз юртимда иш тополмасам ҳам, аёл бошим билан бегона юртда ишлаб, сен ва укаларингни бировдан кам қилмай, бировнинг бир бурда нонига зориқтирмаяпман.

Агар нонсиз қолиб кетсам ҳам, ҳеч қачон бу чиркин тизимга хизмат қилмасдим. Йигитлик ғуруринг, орномусингни неча пулга сотдинг, ўғлим?

Ўзбекистонимизни оламга ёмонотлиқ қилган, юзини ерга қаратган шу тизим ва унинг “қулоқлари” эмасми?

Қанийди қанотим бўлса. Андижонга учиб борсам...

Мен бугун Андижонга кетишим керак, сени бу оқибатсиз йўлдан қайтаришим керак.

Ҳа, ҳозир, ҳозироқ билет оламану, бирпасда ёнингда бўламан. Гўдаклигингда бағримга босганимдек, бағримга қаттиқ босаман сени, “қайт, арслоним, йўлингдан қайт!” дейман, ялинаман, ёлвораман...

“Йиллаб қишлоғингни кўрмасанг ҳам, Россияда мардикор бўл”, дейман. Мен бундай дейишга уялмайман, чунки ўзга юртда хўрланиб топган пулинг, ўз юртингда ака-уканг, опа-синглингни ноҳақ зиндонга тикиб топган пулингдан минг карра ҳалолдир, ўғлим!

Ўз юртингда қолиб, ўзингникига зулм қилгандан, ўзга юртда Ватани соғиниб, ватангадо бўлганинг яхши менга, ўғлим. Билсанг агар, бунда ҳикмат бор.



Мен сени ватанда туғибману, мурғак қалбингда ватанпарварлик туйғусини уйғота олмабман. Эзгу ниятли қилиб тарбиялаш уддасидан чиқмабман.

Йўқ, мен бугун Андижонга боролмайман. Кетсам, бу ердаги ишимдан айриламан. Унда янаям ёмонроқ бўлади ҳолимиз, эртанги кунга ҳадик билан яшаймиз. Бугун Андижонга боролмайман мен.

Бу юртларда қора сочим оқарди, гул юзимга ажинлар тушди, ўғлим. Мен қаерда адашдим, қаерда тойди менинг оёғим?

Эй яхшилар, не-не орзулар билан улғайтирган боламни аждаҳонинг комига ташлаб қўйдимми мен?

...ҳа, бу менинг айбим, менинг. “Пул топаман, нон топаман”, деб болаларимга меҳримни бера олмадим, одамгарчилик ва меҳр-оқибатда уларга ўрناк бўла олмадим. Узоқ ўлкалардан ҳиссиз салому, тўрт чақа пул билан овунтирдим мен уларни.

Вужудим ёнапти, Андижонга боролмайман бугун, эсиз ўтган умр...

Гулнора РАВШАН

Маълумотларга қараганда, ер юзида Ислом динига эътиқод қилувчи инсонлар сони 1 миллиард 500 миллион кишидан ошиб кетган. Христиан динига мансуб инсонларнинг сони эса 2 миллиарддан кўпроқ экан. Қолган турли-хилдаги динга эътиқод қилувчи инсонларнинг сони эса 1 миллиарддан ошқини ташкил этмоқда...



МУСУЛМОНЛАРНИ ПАРЧАЛАШ УЧУН ҚИЛИНАЁТГАН ҲАРАКАТЛАР

Шу қисқа давр ичида яъни, 1 минг 500 йил давомида Ислом дини ер юзи бўйлаб қандай қилиб ривожланди? “Агар шу ҳолат давом этаверса, унда ер юзини мусулмонлар эгаллаб олади”, деган саволлар бошқа дин мансубларини ташвишга солиб келмоқда...

Ислом динининг ривожланиши ва унинг ер юзи бўйича тарқалишининг олдини олиш учун турли хил фитналар, бўхтонлар ва урушлар уюштирилмоқда. Хусусан, бу курашда жонбозлик кўрсатаётган давлатлар: Америка, Исроил, Буюк Британия, Россия ва Хитой мамлакатларидир...

Агар эътибор бераётган бўлсангиз, ер юзида асосан, Ислом давлатларида уруш ва низолар келиб чиқмоқда. Афғонистон, Фаластин, Ироқ, Ливия ва бошқа давлатлардаги урушларда албатта кимларнингдир қўли бўлиши керак...

Маълумингизким, 2003 йил декабр ойида Ироқнинг собиқ президенти Саддам Хусайн осиб ўлдирилганди. Саддамнинг ўлимидан кейин Ироқдаги шиа ва суннийлар ўртасида уруш авж олди. Бунга ҳисса қўшаётган Америка ва Исроил ташқаридан туруб тамоша қилиб, бевосита урушни янада авж олдириш учун “керосин” сепмоқдалар. Натижада шу кунгача Ироқда энг камида 500 мингдан ошқин мусулмонлар ҳалок бўлган. Худди шунингдек, Афғонистонда “Толибон”ларга қарши уруш очилш учун “Ал-Қоида”ни кашф этган Американинг бу мамлакатга “беғараз ёрдам” кўрсатаётгани ҳам маълум бўлиб қолди. Афғонистонда Американинг олиб борган сийсати туфайли 10 йил давомида қанчадан-қанча бегуноҳ мусулмонлар оламдан кўз юмдилар...

Ҳозир ер юзида “тинчлик парвар куч”лар томонидан олиб борилаётган сийсат ортидан асосан мусулмонларни йўқ қилиш ва шу давлатларнинг бойлигини қўлга киритиш учун кураш кетмоқда.

Бундай давлатларнинг асл башараси ва мақсади эса Ислом умматини парчалаш, мусулмонларни турли номлар билан атаб, “экстермизим” “терроризим”, “радикализм”, “фундаментализм”, “Ҳизбут-Тахрир”, “ваххобий” “гуруҳ”ларга бўлиш орқали Исломни бутунлай йўқ қилишдан иборатга ўхшайди.

Узоққа бормаилек ўзимизнинг жонажон Ўзбекистонда ҳам шундай “оқимлар” бор. Улар аъзоларининг қамоқдаги сони бугунга келиб 10 минг кишига етган...

Мусулмонларнинг душманлари қайси давлатда Ислом дини авж олса, ўша дав-

латга уруш эълон қилмоқдалар. Агар бу йўл ўз самарасини бермаса, “сизда оммавий қирғин қуроллари бор...”, деган таҳдидлар билан Ислом давлатларини “синдириш” чораларини кўрмоқдалар. Хусусан, мана шундай иддоа билан Америка ва Англия 2003 йил Ироққа бостириб кирди. Уларнинг асосий мақсади Ироқдаги нефть қонларига эга бўлиш эди. Шу уруш ортидан эса, Америка ва Англия катта нефть захираларига эга бўлдилар. Энди эса Эрон Ислом давлатига зарба бериш учун турли хил найранг ва “ўйинлари” бошлаб юборганлар. Эрон Ислом давлатига иқтисодий “эмбарго” қўллаб, Эронни ночор давлатга айлантиришни исташмоқда. Бу орқали эса, халқнинг давлатга бўлган ишончини йўқотишмоқчи.

Маълумингизким, Эрон Ислом давлати жаҳонда нефть сотиш бўйича юқори ўринларни эгаллайди. Бу давлатда “Атом электр станцияси” ҳам мавжуд. Фарбликлар бу бойликларга эга бўлишнинг мақсадида Ислом динига қарши агитация ва пропаганда ишларини олиб бормоқдалар...

Хитойда эса, Уйғур автоном Республикаси мавжуд. Бу ерда туркий миллатлар жуда кўп. Булар асосан Исломга эътиқод қиладилар. Булар ҳам, ўзларининг мустақиллиги учун курашмоқда. Бироқ Хитой давлати уларни йўқотиш учун, “терроризим” ва “фанатик”, деб турли айблар билан қамоққа ташламоқда...

Россияда ҳам Чечен уруши бўлиб ўтди бўлди. Мусулмон чеченлар ўз мустақиллиги учун курашдилар. Россия гарчи бу урушда катта талофат кўрган бўлса-да, ўз мустақиллиги учун курашган чечен миллатини “терроризим”да айблаб келади. Россиядаги қолган мусулмонларга ҳам шундай салбий кайфият мавжуддир.

Шу билан бирга ер юзида ижобий ўзгаришлар ҳам юз бермоқда. Бу ҳам Аллоҳнинг ҳикмати ва адолати туфайлидир. Ислом динига қарши бўлган Америка ва бошқа давлатларида яшаётган халқлар Ислом динини тан олмақдалар ва шу динга кирмоқдалар. Американинг машҳур инсонлари Исломни қабул қилмоқдалар. Америка “НАСА” космонавти Армстронг, Майкл Жексон, Кусто, Майк Тайсон ва бошқалар шулар жумласидандир...

Мусулмонларнинг муқаддас китоби Қуръони Каримда баён қилинган кўп мўъжизалар ўз исботини топмоқда. Аллоҳ таолонинг муқаддас сўзларини

Америка ва Европа фуқаролари аста секинлик билан тан олаётган бўлсалар-да, бунга қарши муқаддас Қуръони Каримни йўқ қилиш, пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) ҳақида турли хил карикатураларни “ижод” қилиш ҳам бу давлатларда давом этмоқда. Бу орқали мусулмонларга руҳий зарба бермоқчилар. Динлар ўртасида ихтилоф чиқариб, мусул-

монларга қарши янги урушни эълон қилмоқчилар. Бироқ бу урушларнинг ҳаммаси сароб бўлиб чиқмоқда. Аллоҳ “Қиёматгача мусулмонларнинг муқаддас китоби, яъни Қуръони Каримнинг бир сўзи ҳам, бир нуқтаси ҳам ўзгармаслиги ҳақида ваъда берган”.

Биз эса Аллоҳдан дуо қилиб сўраймизки, Эй, Аллоҳ, бу балолардан Ўзинг бизни асрагин! Бизни Алҳамдуллоҳ, Ислом динига хидоят қилдинг! Иншо Аллоҳ Ўзинг мусулмонлар сифатида жонимизни олгайсан! Омин!

Фахриддин Тиллаев

УНУТИБ БЎЛАРМИ АСЛО, АНДИЖОН!



(Андижон қирғинини хотирлаб битилган шеърлардан яна бири)

Оғир хаёл. Оғир хотира.
Бағрим ёнар. Қийналар виждон.
Ҳамон кўнгил кўзгуси хира...
Унутиб бўларми асло, Андижон!

Қора тортар бошига баҳор,
Кўзёш тўкар... Ийғлайди зор - зор.
Ёв ўқига бўлганинг дучор -
Унутиб бўларми асло, Андижон!

Бобур руҳи чангаллар бошин,
Лаънатлайди тақдир талошин.
Кўксинг ўйиб ётса кўрғошин -
Унутиб бўларми асло, Андижон!

Майдон бўлди қирғин майдони,
Бегуноҳлар, гўдаклар қони -
Бурқитмоқда ҳамон ҳавони...
Унутиб бўларми асло, Андижон!

Ёвинг - қонхўр. Ёвуз ва қаллоб,
Айламоқда юрт холин хароб.
Қонлар тўкса ҳамки бежавоб...
Унутиб бўларми асло, Андижон!

Ёдгор Обид

Германиянинг Ўзбекистон ҳудудидаги ҳарбий-транспорт базаси “контрабанда йўлаги” вазифасини ҳам ўтамоқда.

“Олмонлар 2001 йилдан бери ўзбекларнинг ноҳарбий аэропортидан Афғонистонга ўтиш учун фойдаланиб келадилар. Бу ерда бир неча юз нафар ҳарбийлар ўрнашиб олган,

курашни кучайтиришнинг чора тадбирлари тўғрисида”ги қарорни имзолаганидан сўнг немис ҳарбийларига “яшил чироқ” ёқилган. Зотан мазкур қарор қонуний кучга кириши билан хориждан импорт қилинаётган маиший техника, қурилиш материаллари ва бошқа ҳаётан зарур маҳсулотлар тақчиллашди.

техникани Ўзбекистонга олиб кира-яптилар. Олмон ҳарбийларининг кўпи маҳаллий аҳоли вакиллари билан дўстона алоқа ўрнатиб олган, шунинг учун немис товарларини маҳаллий аҳоли ёрдамида сотиш муваффақиятли кечмоқда”, дея хабар қилади бу манба.

Айни пайтда оддий ўзбекистонликлар олмон ҳарбийлари билан “ҳамкорлик”дан мамнун ва бахтиёр экани гапирилади.

Термизликларнинг айтишича, Ўзбекистонга асосан Германияда ишлаб чиқарилган замонавий телевизор панеллари, кондиционерлар каби зарур уй-рўзғор буюмлари олиб кирилмоқда. Германия маҳсулотига иштиёқманд ўзбекистонликлар навбатдаги юк самолёт қачон келишини олдиндан билган ҳолда буюртма ҳам бериши айтилади.

Аммо, маълум бўлишича, Германиядан олиб кириляётган бозори чаққон бу товарларнинг ҳажми ҳеч қандай статистик ҳисоботларга киририлмайди.

“Термиз расмийлари ва маҳаллий ҳуқуқ-тартибот органлари ноқонуний савдо ҳақида яхши билади. Аммо олмон ҳарбий хизматчиларига қарши расмийлар ва милиция ҳеч қандай чора кўрмай, бу каби фактларга кўз юмиб келади”, дея хулоса қилади Фарғона хабар агентлиги.

УХХ хабар маркази

ГЕРМАНИЯЛИК ҲАРБИЙЛАР ЎЗБЕКИСТОНГА КОНТРАБАНДА ТАШИМОҚДА

улар вақти-вақти билан алмашиб, юк ва жонли кучлар юкланган самолётларни қабул қилиш ва жўнатиш билан шуғулланиб келадилар.

ГФР ҳукумати базадан фойдаланаётгани учун Ўзбекистонга қанча пул тўлаши тўғрисида аниқ маълумот йўқ.

Бошқа тарафдан, ушбу база Германияни нафақат катта харажатларга қўймоқда. Жорий йил бошидан бери бу база Афғонистон йўлида тўхтаб ўтаётган немис солдат ва офицерлари учун қўшимча даромад манбаига айланди”, дея хабар қилади “Фарғона.ру”.

Манбага кўра, президент Каримов жорий йил бошида “Мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш ва товарларнинг мамлакатга ноқонуний олиб кирилишига қарши



“Мазкур аэродромда ўрнашган ГФР Ҳарбий-ҳаво кучлари ҳарбий хизматчилари Ўзбекистонда юзага келган вазиятдан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиб қолишга қарор қилдилар. Шундай қилиб, олмон ҳарбий хизматчилари божхона ва чегара кўригидан ўтишдан озод қилинган ҳарбий самолётларда Германияда сотиб олинган маиший

ЁЛҒОН МАЪЛУМОТЛАР БЕРИШ ҚАЧОНГАЧА ДАВОМ ЭТАДИ?

Шу йилнинг 22 март куни Пахтакор туманига қарашли “Чаманзор” қишлоқ фуқаролар йиғини олдига чиқдим. Ёш йигит маҳалла биносини видео тасмага олаётганди. Маҳалламиз раиси Товбой Солиев оқсоқоллари билан ниманидир муҳокама қилиб турганди. Қизиқиб кузатиб турдим.

Маҳалла биносини видеотасмага олиб бўлгач, маҳалла биноси ичкарасига кириб кетишди. Ичкарида кимлар, қанча ёлғон гапиришган, нималар деб мақтанишгани бизга ноъмалум.

Бироқ яқингинада пайдо бўлиб қолган, деярли ишламаётган, пешонасига “ТИКУВ ЦЕХИ” деб ёзиб қўйилган хонага қўшнимизнинг уйдан тикув машинасини кўтариб чиқишиб олиб киришди. Қўшнимизнинг қизини тикув цехига олиб кириб, шу тикув машинаси олдига ўтказиб,

маҳаллада гуё ёш қизлар тикувчилик билан шуғулланаётгандек, иш билан банддек қилиб видео тасмага олишганлигини кўриб турдим.

Бу кўзбуямачиликни ҳаммининг кўз ўнгига бажаришди. Кўпчилик кузатди, баъзилар афсусланди, баъзилар

қулди. Эртаси куни эса тикув цехи ўз-ўзидан йўқ бўлиб қолди. “Бундай кўзбуямачилик, ёлғон гапириш қачонгача давом этаркин?”, дейди иш тополмай юрган чевар аёлларимиз.

Шундай ёлғонларнинг гувоҳи бўлган Шарофат қуйдагиларни гапириб берди:

2011 йили ёгингарчилик кўп бўлганлиги сабабли ҳовлимнинг деворлари кулаб, нураб, бузилиб кетди. Тузатиб олишга имконим йўқ эди. Чунки ёлғизгина болам тузатишга ҳали ёшлиқ қилади. Мардикор солай десам, чўнтагим кўтармайди. Май ойининг бошлари эди, ўшанда. Маҳалла ходимлари келишиб: “Сизга товук берамиз. Фақат қўшнимизнинг ҳовлисини ва товукларини ўзингизники қилиб кўрсатасиз. Биз Сизга кейинчалик товук ва моддий ёрдам берамиз, дейишди. Мен уларга ишондим ва рози бўлдим.

Орадан бир-икки кун ўтгач, маҳалладан одам келиб мени қўшнимнинг уйига ўтиб туришимни тайинлади. Мен қўшнимникига ўтиб турдим. Бир гуруппа одамларни маҳалла раиси Товбой Солиев бошлаб келди.

Бу киши Вазирликдан келган ҳодим, маҳаллани айланиб, аҳолининг яшаш шароитини ўрганиб юрибди — деди маҳалла раиси Т.Солиев ўзи билан бирга келган кишини кўрсатиб. Кейин мени қўшнимнинг ҳовлисида қўшнимнинг товуклари билан суратга олди. Қўшнимнинг уйилигини, қўшнимнинг товуклари эканлигини маҳалламиз раиси Т.Солиев яхши биларди. Ўшанда бу ёлғон эканлигини, мени алдашаётганлигини билмагандим. Анча пайт товук олиб келиб беришларини кутиб юрдим. Бироқ на товук олиб келишди, на ҳовлимни тузатишга ёрдам беришди. 80.000 сўм пулни бўлиб-бўлиб беришди, холос. Қўшнимга ўхшаб алданиб қолганлар, фақат қоғоздагина товук ёки мол олганлар қишлоғимизда кўпчиликини ташкил қилишса керак. Бу алдашлар қачонгача давом этаркин? Нега ёлғон гапиришимиз керак? Бир ёлғон иккинчисини, иккинчи ёлғон кейингисини етаклаб келаверади-ку? КИМНИ АЛДАЯПМИЗ? НЕГА АЛДАШИМИЗ КЕРАК? Маҳалла ёлғон гапирса туман, туман ёлғон гапирса вилоят, вилоят ёлғон гапирса давлат ёлғон гапирмайдами?

Саида Қурбон

БЕФАРҚЛИК ҲАМ КАТТА БАХТ

Ҳазрат Мир Алишер Навоийнинг бир сўзи бор: “Одами эрсанг демагилки одами, аники йўқ эл ғамидин ғами!”. Бу сўзларни Горбачев даври демократисида бошқача талкин қилганлар ҳам бўларди бизда. Яъниким, Ҳазрат Навоий “... аники йўқ эл ғами, дин ғами” деган. Аслида бу нотўғри талкин эди.

Инсоният яшаб келаяптики, нималаргадир интилиб келади. Янгиликлар эса ҳамма вақт эски турмуш тарзига одатланганлар томонидан қаршиликларига дуч келган. Масалан, бизнинг кўхна Туркистонда ҳам XIX аср охири ва XX бошларида темир йўллари ривожланиб келаркан, ўша даврдаги муттаасибларимиз паровозларни “шайтон ароба” деб аташгача ҳам боришган. Яъни, уларни шайтон тортади ва мусулмонлар учун улардан фойдаланиш макрух. Лекин ҳозирда бирор жонивор тортмайдиган бунақа “шайтон аробалар” ҳаммамизнинг турмуш тарзимизга кириб бўлди ва уни биров на гуноҳ дейди ва на макрух.

Янги давримиздаги бизнинг Ўзбекистон ҳукумати ҳам янгиликларга душманлик қиладиган мамлакат. Бунда ҳам ҳукуватимиз қандайдир бир ўзгаришлар бўлишини истамайди. Масалан, Совет даврида порахўрлик каби иллат бўларди ва унга қарши етарлик даражада кураш олиб борилмади. Натижа нима бўлди? Коррупция дунёнинг энг йирик давлати бўлган Советлар дигерини парчалаб ташлади. Оқибат хайрлик бўлганида ҳам майли эди, аммо бу жирканч иллат мустақиллигимиз йилларида одат тусига кирди ва мана энди, порахўрлик жиноят деб кўрилмайди, балки аксинча рағбатлантирилади. Ватанимиз бир неча йиллардирки, дунёнинг энг коррупциялашган мамлакатлари рўйхатида турибди. Ўзбекистон ҳукуватининг янгиликларга қарши туришининг боиси ҳам мана шу коррупция. У бу ҳолатни ўзгартирмакчи эмас ва пора билан бўлсада, кўпроқ ва яна кўпроқ бойлик ортиришни ўйлашади. Ҳаром деган тушунча ҳам деярлик унут бўлган.

Одатда одамлар ўзининг тинчини, оромини бузмасликка мойил бўлишади. Оромни эса ҳар ким ўз ўрнида, ҳар усулда топаркан. Камина ҳам ўзбекларимизни ўз оромларини бузишга кўп бора чақирганман, лекин бу чақиркилар шунчаки йўқ бўлиб кетмади, ҳаттоки кўплаб эски дўстларни собикларга айлантирди. Кўриниб турганидек, инсон ўз шахсий ҳаётини ҳам қай бир йўналиш томон бўлсин, ўзгартиришга ҳаракат қилмайди.

Лекин бу каби тафаккур фақат биз шарқликларда бор. Ғарб кишилари тафаккури эса бутунлай бошқача. Улар доимо нималаргадир интилиб яшашади. Нималарнидир ўзгартирмакчи бўлишади. Масалан, ҳозирда Голландияда Марс сайёрасига кўчиб ўтиш истагини билдирувчи кўнгилчилардан аризалар қабул қилинапти. Евронюс ахборот агентлиги бу ҳақида хабар тарқатаркан, ерлик кўнгилчиларни Марсга кўчириш тахминан 2033 йилда амалга оширилишини келтириб ўтди (ru.euronews.com).

Улар қайтиб келишмайди, ўша жойда қолишади. Аммо бунда ўша кўнгилчилар бўлмайди деб айта олмаймиз. Бўлишади албатта, фақат улар орасида шарқликлар бўлмайди. Бу келтирганимиз, бир мисол ҳолос.

Ўзбек муҳолифати Ўзбекистон мустақиллиги олдида шаклланиб бўлганлиги ва бу сиёсий ҳаракат, ҳамда партиялар ҳам Ватанда қандайдир бир ўзгаришлар яратишни исташарди, ҳамда шу сиёсий ўзгаришлар учун кураш бошлади. Ажабланарлик томони шундаки, ўзини муҳолифат билганларнинг ҳаммаси Ўзбекистондаги Каримов диктатурасига қарши турсада, бироқ бири бири билан тил топиша олмайди. “Мен сендан камми?”, ёки “Сен медан ортиқ эмассан!” деган қийшиқ бир фалсафа устунлик қилади. Натижани қарангки, Ўзбекистондаги режим гуллаб-яшанаб келмоқда ва ҳали бери ватанда бирор ўзгариш бўлмайди ҳам.

Айни шундай ҳолатни диний жамоаларда ҳам кузатиш мумкин. Уларнинг ҳаммаси дунёвий муҳолифатга ва Ўзбекистон ҳукуватига қарши туришгани камлик қилганидек, бир бирларига ҳам зиддирлар. “Ҳизб-ут-таҳрир”, “Таблиғ”, “Ваҳобия”, “Нақшбандийлар” ва биров билмган, биров билмаган турли гуруҳлар. Ҳаммаси бир бирига зид, натижани қарангки, Ўзбекистонда ҳар куни кимдир диний сабаблар билан камоққа олинади, қамалади ва кимдир ўлади. Диний жамоалар ҳам ўз оромларини бузишни исташмайди ва ўз ўзларини алдашади: “Ҳамма нарса Оллоҳдан!”.

Камина кўп бора танқидий чиқишлар қилдим. Кимлардир буни ҳақорат деб қаради, тагин кимлардир мени дин душманига ҳам чиқарди. Лекин бутун бошлиқ мамлакатларни ва халқларни дин билан бошқариш давлари узок таърихда қолиб кетган. Биров буни тушунишни истамайди шекилли. Бугунги давр бунақа сиёсатларни кўтара олмайди ва инсон ҳақлари масаласи олдинги планга чиқиб олган. Кимдир биров айтади: “Биз Европага келибмиз, буни Оллоҳнинг ўзи бизга раво кўрди ва биз энди динни ёйишга масъулмиз!” Балки ҳақиқатдан ҳам шундайдир, тагин бўлса, Европада Исломи динига кизиқиш ортиб бораётганлиги ҳам кузатилинади. Бунинг боисини, юқорида таъкидлаганимиздек, ғарб ахлининг янгиликларга ўчлигидан келиб чиқиш керак. Исломи – булар учун янгилик! Бу ерлик аҳоли ғарб цивилизациясининг тараққиёти ортидан, инсонлардаги маънавият қанчалар бузилиб кетганлигини кўрпаяпти ва кўнгиллар бошқа бир янгиликни истапти.

Бироқ мусулмон бўлмоқлик, келгусида уларни ҳам худди биздек, ўзгалар тақдирига бефарқ қилиб қўйиши мумкинлигини ҳозирда биров ўйлаб ҳам кўрмади шекилли. Ҳа азизлар, камина айтаётган бу сўз сизга ёқадими, ёки йўқ, лекин биз бир биримизга бефарқ одамлар эканлигимиз ҳақиқат! Кимнинг қозонида нима қайнапти, ҳаттоки шу билан ҳам ишимиз йўқ.

Озодлик истаб турмаларда азоб чекаётганлар масаласи эса, иккинчи ҳам эмас, балки ўнинчи даражадаги масалалардир. Ўз оромимизни бузгимиз келмайди ва ҳаттоки бир қориндан тушган ака-укаларимиз учун қайғура олмай-диган даражадаги бефарқларга айланганмиз. Камина



ёзган турли мақолаолар эса биздаги айни мана шу хислатга қарши отилган тошлардир.

Кўп ҳолларда ўзбек мусулмонлари ватанда диний ҳукуват бўлишига тарафдор эканликларини таъкидлашади, аммо бу мақсадда бирор ҳаракат қилишмайди ҳам. Шу ўринда Ўзбекистон ҳукуватидагилар ҳам намоз ўқийдиганларни беҳудага камоққа тикиб азоблашётганликларни тушуниб олиш мумкин. Аслида бу намозхонларнинг давлат тузилмаларига зиён етказётган жойи йўқ. Ҳатар бўлганида Европада яшаётган ўзбек мусулмонлари айни йўналишда бирор ҳаракат бошлаб юборишган бўлишарди. Таъсуфки, бунақа ҳаракат кузтилишмайди. Бу ҳол нафақат динийлар, динсизлар ҳам худди шундай, оммавий ҳаракатсизлик кузатилинади.

Мақоламиз бошида ҳазрат мир Алишер Навоийнинг бир ўғитини келтиргандик. “Одами эрсанг демагилки одами, анингки йўқ эл ғамидин ғами”.

Алишер Навоийнинг бу пурмаъно сўзлари балки ўша даврда аъло билингандир, лекин у бугунги давримизга тўғри келмайдигандек. “Эл ғами” каби тушунча одамизотга бундан бир неча ўн йиллар олдин бегона бўлганди. Камина эса, шунча ёзишларим билан, аслида ўша ғамсизларга ҳавасим келади. Буни қарангки, дунёни сув босса ҳам тўпиғига келмайдиганлар қанчалар бахтлиқ инсонлардир. Ўз ўзини улар нималар биландир овута олишади, ўз ўзларига таскин бера олишдек катта бир бахтга муяссар бўла олишган.

Уларни на ватандаги адолатсизлик, на қийноқлар ва на миллатнинг юз тубан ётганлиги ҳам ташвишга солмайди ва ўз ҳаётлари, ўз оромлари билан машғул бўлишади. Бу эса инсоният цивилизациясининг эришган энг юксак маррасидир. Масалан, ўзбекни тириклайин ёқиб юборишадими, тепккилаб ўлдиришадими, қайноқ қозонда қайнатишадими, буларга бефарқ бўлиш учун ўзбекининг камологи қай даражада ривожланиши керак экан? Афсус, камина буни билмайман. Чунки бу даражада ривожлана олмаганман ва шунинг учун ҳам тушунтириб бера олиш имконига ҳам эга эмасман. Фақат бир нарсени аниқ биламан. Улар энг бахтиёр инсонлардир!

1 Қувган ҳам, қочган ҳам Худо, дер экан. Замон қувиш ва қочиш замони бўлганда айтилган бу сўз. Аммо бугун юзлашма замонидир мен учун. Шунинг учун ҳам шайтонга хаёлан тик қараб “Худо, Худо (Аллох, Аллох)”, демоқдаман...

2 Боботоғни айланиб ўтиш, баъзи зуларни айланиб ўтишдан Мав-осонроқдир...

3 Ўзинг билан баҳслашиш ўзинг билан муштлашишдан албатта афзалдир...

4 Ҳақ тарафидан бўлган кишининг асабийлашишига керак йўқ. Чунки у аллақачон маънавий манзилга етгандир...

5 Гўдак онасини суянчиқ ўрнида кўради. Гўдак улғайганда онаси боқий ҳаётга кетади. Аммо Аллох адолатлидир.

У эркакни суянчиқсиз қолдирмайди. Аёл дунёнинг суянчиғидир, деган ҳикматнинг маъноси шу бўлса керак...

6 Кексалик ёшига кириб келаётган одам хафа бўлмаслиги керак. Ахир у янги поғонага чиқмоқдаку. Қанча дўстлари бу поғонага етиб кела олмаган...

7 Бир ўйлаб кўринг қанча одамни танийсиз. Яна бир ўйлаб кўринг дунёда қанча одам бор. Агар танийдиган одамларингизнинг дунёдаги одамларга нисбатини (проценти) тахмин қила олсангиз, демак ҳисоб китоб ҳақида анча маълумотингиз бор экан...

8 Қишлоғимизнинг кўчасига ўхшаган кўчани кўрсам юрагим энтикиб кетади...

9 Одамлар бир хил бўлиши шарт эмас. Айни тушунчада бўлиши ҳам шарт эмас. Доимий муҳолифатда бўлиш мумкин улар бир бирига. Фақат вақти вақти билан шу одам ўзи нима демоқчи дея, ўйлаб кўриш ҳам фойдадан холи бўлмаса керак...

10 Руҳ тарбия қилинмайди, зотан у тарбияли яратилган. Тарбияга муҳтож нафсдир, аммо унинг буни эътироф қилиши қийин...

11 Кўчага чиқиб кетаётганимизда эркинликка қадам қўямизми ёки уйга қайтиб келганимизда? Савол умумий аммо жавоб шубҳасиз ҳусусийдир...

12 Инсон ўзининг эски расмларини кўриб гуноҳларни шу одам қилган дейиш билан енгил нафас олиши мумкин бўлсайди...

13 Қатра нима дейсизми? Қатра оз пул, аммо у муҳим бир манзилга ета оладиган даражада қийматлидир...

14 Инсон нақадар хатокордир. У маълум кунда, маълум дақиқада, маълум сонияда соат тўхтаб қолади, деб ўйлайди.

Ҳолбуки, ўша кунда, ўша дақиқада, ўша сонияда соат тўхтамайди. Ҳатто, кўлидаги соати ҳам...

15 Соғлом ва хаста икки одам айни кўзларга, аммо айри нигоҳларга эгадирлар.

ҚАТРАЛАР



Табиблар инсонларнинг хаста эканлиларини кўзларига қараб билишга уринадилар. Улар бу иш билан овора эканлар, хасталарнинг нигоҳлари орқадан уларга қараб туради... Бечора табиблар...

16 Ёшлигида тушуниш учун кўп гапиришга мажбур эди. Энди эса кам гапиргани сайин кўпроқ нарсани тушунадиган бўлди. Ҳатто ҳеч гапирмай ҳам кўп нарсани тушунадиган бўлди...

17 Шубҳа ботиний зилзиладир. Унинг вайронаси ва қурбонлари ҳам зоҳирга чиқмагани яхшироқ...

18 Қалам ва қоғозга ҳам ташаккур айтишимиз керак. Бири қорайгани, бошқаси эса заифлагани учун. Бунинг устига ҳали улар бизнинг элчиларимиз сифатида бировларнинг ёнида қанчалар изза бўлишади. Ҳақиқатан ҳам, қалам ва қоғозга ташаккур айтишимиз керак...

19 Севги нималигини биламан, дейсизми? Яхшилаб ўйлаб кўринг, тонгними, хуфтонними кўпроқ севишингиз ҳақида. Менинг фикримни сўраманг, ўзингиз қарор беринг бунга. Чунки сиз севгининг моҳиятини биламан, дедингиз бироз аввал...

20 Тарих, бугун ва келажак уч оғайни, ака -укалардир. Аммо ҳақиқий биродарларми ёки ўғай ака -укаларми? Масала мана шунда...

21 Фалсафани енгмоқчимисиз? Унинг устидан кулинг...

22 Ақл нафсдан кўркмайди, имондан эса ийманади. Ақлнинг нафснинг айтганларини қилиши унинг тақдирга рози бўлишидир, имоннинг айтганини қилиши эса унга бўлган муҳаббатидир...

23 Жарроҳлигимда тўқималарни бир биридан осон айирардим. Энди эса қалбни руҳдан, ақлни нафсдан айира олмай овораман...

24 Эҳ, инсон тўй қиламан, дев бунча овора бўласиз-а? Ҳолбуки тўй ва оворагарчилик бир бирига бегонадир.

25 Ақлли бўлиш албатта яхши. Аммо имонли бўлиш барибир яхшироқда...

26 Инсоннинг излаган нарсасини топиши жуда севинчлидир. Аммо излашнинг ўзи қадар лаззатли эмас...

27 Ҳақиқий бахт банда сифатида ёлғиз қолмаслиқдир. Аммо Аллох меҳрибондир, у бандасига инсон сифатида ёлғиз қолмаслиқнинг ҳам лаззатини берган...

28 Эй инсон, кўчадан юриш қодаларига бунчалик аҳамият бермоқдасиз. Бу эътиборингизни кўрганлар сизни тўғри йўлда, дея ўйлаши ҳам мумкин?. Аммо буни исботлаш ун-

чалар ҳам осон эмаски...

29 Сочимнинг оқ толалари қора толаларига рашк қилиши мумкинми, дейсизми? Билмадим, мен бунга унчалик ишонмайман. Чунки мен ҳозирда ўқи оз қолган овчига ўхшайман. Шунинг учун ҳам бу ҳақда ўйлашга мажолим йўқ. Яхшиси бу ҳақда ўзингиз қарор беринг...

30 Инсонлар нақадар яхшидилар. Улар юзингизга доимо жилмайиб қарайдилар. Сизни танимайдиган, сиз ҳам уларни танимайдиган инсонлар нақадар яхшидилар...

31 Туғилган куним билан табриклаганингиз учун эмас, бу кун туғилган куним эканлигини эслатганингиз учун сизга ташаккур айтаман...

32 Унутиш яхшими, ёмонми? Унутмаслик ёмонми, яхшими?

33 Авваллари исмим жисимга унчалик монанд эмас, дея ўйлардим. Энди эса жисимим исмимга унчалик монанд эмас, дея ўйлайман...

34 Барибир деган сўзни эшитганда севинишдан кўра кўпроқ кўркүвга тушаман, сизчи?

35 Ўғри қариганда сўфи бўлади, дейдилар. Аммо баъзи сўфиларнинг тавҳид ўғриси эканлигини ҳам унутмаслигимиз керак. Шунинг учун ўғрилар қариганда сўфи бўлишдан кўра тўғри бўлсалар маъқул иш қилган бўладилар...

37 Машина тезлиги билан фикр тезлигини албатта қиёслаб бўлмайди. Машина ҳалокати билан фикр ҳалокатини эса асло қиёслаб бўлмайди...

38 Аҳмоқ оддий сўзлардан биридир, аммо лаблар бу сўзни ичкари томонга пичирлаганда у катта маънога эга бўлади...

КАРИМОВ ЗИНДОНИДАН ЯНА БИР ДИНДОРНИНГ ЎЛИГИ ЧИҚДИ

«Майитнинг юзи кўкариб кетган, қўли тортилиб қолган, икки елкаси ва бошида бир нечта чуқурчалар бор, юзи эса тилим-тилим».

Зарафшондаги қамоқхонадан ўлиги чиккан 43 ёшли Дилшод Исоқов жасадини тошкентлик фаол Мўътабар Аҳмедова ана шундай тасвирлайди.

«Жасадини келтиргач, МХХ уларнинг уйини ўраб олган ва ота-онасини кўрkitган» — дейди ҳуқуқ фаоли.

Би-Би-Си ўзбек хизматининг маълум қилишича, майит келтирилганда, ҳидланиб қолгани учун яқинлари уни тезда тупроққа топширишган. Расмийлар Дилшод Исоқовнинг ўз ажали билан оламдан ўтганини айтишмоқда, лекин майит яқинлари Ўзбекистон рас-

мийларининг маълумотиغا ишонмаслигини айтмоқдалар.

«Марҳум қамоқда мунтазам қийноқларга тутилган» — дейди Мўътабар Аҳмедова -»Чунки доимо ундан узр сўрашни талаб қилишаркан, у эса мен узр сўрайдиган жиноят қилмаганман, деб узр сўрамас экан. Тергов пайтидаёқ уни қийнаб, белига қаттиклат етказишганди. Қамоқда эса уни ҳар хил йўллар билан уриб, электр токига ўтиргизиб келишган».

Бундан 13 йил бурун ҳибсга олинган Дилшод Исоқов «Ҳизб ут-Тахрир» партиясига аъзолик ва конституцион тузумга тажовуз қилиш каби айбловлар билан узок йиллик қамоқ жазосига ҳукм этилганди.

У тергов жараёнида ўзининг қаттиқ қийноқларга солингани ҳақида айтган. Кейинчалик Зарафшондаги қамоқхонада ҳам доимий равишда қалтақланиб келганини билдирган.

Хорижий кузатувчилар Ўзбекистонда қийноқлар мунтазам қўлланиб келишини айтишади. Бироқ Ўзбекистон расмийлари, албатта, бу даъволарни тан олмайди.

Халқаро инсон ҳуқуқлари гуруҳларига кўра, Ўзбекистон барча маҳкумларнинг жасадларини текширишга рухсат бермайди ва одатда, куч тизимлари таҳдидлари остида қолган оила аъзолари майитларни тезда тупроққа топширишга мажбур бўладилар.

ЎХХ хабар маркази

КАРИМОВ: “АФҒОНИСТОН ОЛТИН ТОВУҒИМ МЕНИНГ...”

Ўзбекистоннинг ноқонуний Президенти ёки диктатори Каримов ўзининг энг севган, айтиш мумкинки унга ҳаёт берган мавзусида янги бир нутқ ўқиди. (ozodlik.org)

Бу нутқнинг қисқа моҳияти бизнинг тушунишимизга кўра шундан иборатдир:

- Аввал сиёсий муҳолифатни йўқ қилдим. Бунинг учун шундай шиор ўйлаб топдим: Керак бўлса 100 кишининг бошини ўзим уриб ёришга ва эзишга тайёрман. Чунки Афғонистонда тўс тўполонлар бор. Шунинг учун ҳам мен зўровонлик билан Ўзбекистонда “тинчлик ва барқарорлик” ўрнатдим.

- Кейин мусулмонларга қарши қатағон бошладим. Бунинг учун “Керак бўлса уларни (мусулмонларни) ўзим отиб ўлдираман”, деган шиор тўқидим. Аммо ўзим отмадим. Қамоқхоналарда жаллодларимга оттирдим минглаб мусулмонларни. Бунинг учун 1999 йилда Тошкентдаги портлашларга кўз юмдим, тўғриси бу портлашларнинг “ценарийсини” бошдан охиригача ўзим назорат қилдим. Чунки Афғонистонда муаммо бор эди.

-Бугун хотира ва қадрлаш куни. Аммо мен 2005 йил 13 май Андижон қатлиомини хотирлашни истамайман. Бу қатлиомни ўзим билган ва тушунган ҳолда амалга оширдим. Чунки ўша кунларда Украина, Грузия ва Қирғизстонда ҳар хил рангдаги инқилоблар бўлаётганди. Мен бундай инқилоб бўлмасин, дея ўзбек халқининг кўзини кўрқитиш учун минглаб кишини ўзим отмасам ҳам, ҳарбийларимга отиб ўлдиртдим. Бунга Афғонистон масаласи сабаб эмас эди, аммо Афғонистон севимли мавзум бўлгани учун уни Андижон қатлиомига ҳам баҳона қилаверсам бўлади...

-Афғонистонни баҳона қилиб, Ўзбекистонда бутун инсон ҳуқуқларини таъқиқладим.

Матуботни тотал цензура қилдим. Мана деярли 25 йилдир Ўзбекистонда чиқадиган газеталар, журналлар, телевидение, радио, интернет тармоқлари фақат мени ва охириги пайтларда қизим Гулнорани мақташади. Чунки Афғонистон масаласи бор, шунинг учун ҳам Ўзбекистонда эркинлик ва ошқоралиқнинг имкони йўқ...

-1991 йилдан кейин бирон марта ҳам эркин ва адолатли сайлов ўтказмадим. Муттаҳамлик ва ёлғон билан сайлов кўзбўямачиликлари ташкил қилдим. Бу сохта сайловларда доимо 90% кўпроқ овоз олдим. Чунки Афғонистонда уруш бор. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда эркин сайловлар ўтказиб бўлмайди.

- Инсонлар эркин табдиркорлик ва тижорат билан шуғулланмасинлар, дея уларга иқтисодий эркинликлар бермадим. Чунки менинг ғоям ўзбек халқини оч ва чорасиз ҳолда тутиш эди. Оч ва чорасиз халқни бошқариш осон, шунда инсонлар фақат қоринини ўйлайдилар. Натижа ўзим кутгандай бўлди, миллионлаб ишлаш имкони бўлганлар Ўзбекистондан қочиб кетди. Мен мазза қилдим. Ҳокимиятимни мустаҳкамладим. Чунки Афғонистон бор...

- Ижодкорлар, санъаткорлар, маданият аҳилларининг овозини ўчирдим. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда чорак аср давомида бирор жиддий бадиий ва санъат асарини яратилмади. Бунинг ўрнига ҳеч ким тушунмайдиган, ўзбек халқининг маънавиятыга бегона бўлган киноми, кўшиқми, томошами шуларга рухсат бердим. Чунки бу инсонларни маънавиятсизликка етаклайди. Маънавиятсиз инсонлар эса менинг тахтимга хавф туғдирмайди. Бундай маънавиятсизлик компаниясига қизим Гулнорани раҳбар қилиб тайинладим. Чунки Афғонистон муаммоси бор. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда маънавият юксалмаслиги керак...

-Менинг сиёсатим дунёда янгилик эмас. Менинг устозим Иосиф Сталиндир. У СССР халқларини қандай қатағон қилган бўлса, мен ҳам Ўзбекистон халқини шундай қатағон қилдим. Бунининг ягона сабаби Афғонистон ва у тарафдан келадиган хавфдир. Аслида у тарафдан хавф келадими йўқми, буни аниқ билмайман. Аммо менга баҳона керак. Мана шу баҳона менинг учун Афғонистондир...

-Бугун яна Афғонистон ҳақида гапираяпман. Чунки тахтимни қизим Гулнорага топширишим керак. Бунинг учун эса ҳеч битмайдиган катта баҳона керак. Бу ҳам бўлса Афғонистондир. Афғонистонда уруш бўлади, деяпман. Бу билан ҳаммани яна ахлоқ қилмоқчиман. Чунки Афғонистонда уруш бошланганига 30 йил бўлди. Агар биз Ўрта Осиёнинг мустақил давлатлари ўзаро иттифоқни йўлга қўйса Афғонистон биз учун ҳеч қандай таҳлика туғдирмайди. Аммо у ҳолда инсонларга ғоявий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий маърифий эркинликлар беришимиз керак бўлади. Бу эса менинг ва қизим Гулноранинг тахтдан қувилишимизни билдиради. Шунинг учун ҳам эркинликлар, Ўрта Осиё давлатларининг иттифоқи, халқларимиз ва давлатларимизнинг тараққиётига тиш тирноғим билан қаршиман. Шунинг учун ҳам ўзим тугасам тугайман аммо ушбу шиоримнинг тугагини асло истамайман:

“ЯШАСИН АФҒОНИСТОНДАГИ АБАДИЙ УРУШ”

Бу менинг ушбу масаладаги охириги баёнотимдир. Қизим Гулнора Каримова тахтга ўтиргандан кейин биринчи баёноти яна Афғонистондаги уруш ва у ердан Ўзбекистонга келадиган таҳлика ҳақида бўлади.

Этиборларингизга тупураман. Ўзбекистон Диктатори Ислоҳ Каримов Диктаторнинг баёнотини

Фурқатбек ёзиб олди



Садриддин

Адабиётшуносларнинг айтишларича, «Адашган ит каби Фурқат қаён боргум билолмасман...» деб Қашқардаги муҳожирлик ҳаёти ҳақида ёзган буюк ўзбек шоири Фурқат, бугунги кунларда, яъни мустақиллик кунларида ҳам ўзбек ижодкорлари ватандан ташқарида муҳожир бўлиб юришини хаёлига келтирмаган ҳам бўлса керак. Хўжанд давлат университети профессори, филология фанлари доктори Абдусалом Абдуқодировнинг айтишича, Фурқат ит тимсолида ватанга вафони талқин қилган:

«Фурқат ватандан четда, ватан соғинчи билан яшаб юрганда, Ватанни озод ва мустақил кўришни истаган. Шунинг учун ҳам Фурқат ватанига бўлган муҳаббатини, вафони ит тимсолида ифодалайди». Профессор Абдуқодир Абдусаломов Заҳриддин Муҳаммад Бобурни ўзбек шоирлари орасидаги буюк муҳожир сифатида кўради. :

«Не ерда бўлсанг, эй гул, андадир чун жони Бобурнинг, Фарибинга тараххум айлагилким, анда жонидур».

Шоир худди мана шу байтида «анда жонидур» бирикмани икки маънода кўллаган. Аввало, Бобуринг қаерда бўлса ҳам шуни унутмагинки, унинг жони Андижонда, яъни ватанида қолган. Иккинчидан, шоир Бобурни тамоман «жонсиз» деб ҳис қилган. Чунки унинг жони ўша шаҳарнинг ўзидир. Шоир ватандан чиқиб кетди-ю, шаҳар жонсиз бўлиб қолди. Шоир ватанни жон билан баробар олади. Ватансизлик – бу жонсизликдир».

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, бу мамлакатни ўнлаб ўзбек ижодкорлари тарк этдилар. Шоир Муҳаммад Солиҳ мустақил Ўзбекистоннинг биринчи муҳожир шоирларидан бирига айланди. Хўш, мамлакат Конституциясида сўз эркинлиги кафолатланган юртни нега бу ижодкорлар тарк этдилар? Хўжандлик адиб Шариф Нурриддин:

«Менинг шахсий фикримча, Ўзбекистонни тарк этган шоирлар «озод мамлакат»да ўзларини озод

МУҲОЖИРОТДАГИ ИЖОДКОРЛАР

ҳис этмаган. Хўр фикр бўлмаган юрда ҳақиқий шоирлар яшай олмайди. Тарихдан маълумки, кўпинча ватанни тарк этган шоирлар буюк одамлар бўлган. Чунки улар ўша давр билан, ўша сиёсат билан чиқишмайди».

Хўжанд Давлат университети-нинг ўзбек филологияси факультети ўқитувчиси Мавлонберди Суянов:

«Афсуски, ҳозирги замонда ҳам муҳожирлик қисмати бор. Ўзбек адабиётининг забардаст шоири Муҳаммад Солиҳ, гарчи Ўзбекистон миллий истиқлолга эришган бўлса ҳам, муҳожирлик тўнини кийишга мажбур бўлди. Муҳаммад Солиҳ ўзбек адабиётига улкан ҳисса қўшган, модерн шеъриятининг энг яхши вакилларида бири эди. Унинг муҳожирликда юришини ўзбек адабиётида катта бир йўқотиш, деб ҳисоблайман».

Хўжандлик журналист Мирзаҳаким Қобилов:

«Мен ўйлайманки, бугунги кунда ватандан ташқарида юрган ўзбек адилларининг аксарияти Ўзбекистон раҳбарияти юритаётган сиёсат тўғрисида шундай бир оғир ҳаётга маҳкум этилган. Менинг ишончим комил, улар узоқда туриб булса ҳам ўз ватанининг шон-шарафини ҳимоя қилади, Ватаннинг чин озодлиги учун курашни тўхтатмайди».

(«Озодлик» радиоси, 05.07.2006)

МУҲАММАД СОЛИҲ - ШОИР, СИЁСАТЧИ ВА ОРЗУКАШ

«Америка овози», 23.07.2006

«Сен қачон ёвуз одамларга ўхшашдан тийилсанг, сенга қарши бўлган, сенга ёвузлик келтирадиган ёвузликлар ўз-ўзидан йўқолади», деганди бир галги маърузасида муҳолифатдаги «Эрк» партияси лидери, шоир Муҳаммад Солиҳ.

Муҳаммад Солиҳ 1991 йилги президентлик сайловида, Ўзбекистоннинг янги тарихида Ислоҳ Каримовга ҳақиқий рақиб бўлган ягона шахсдир. 1994 йилдан буён у қувғинликда ҳаёт кечиради. У йигирмага яқин китоблар муаллифидир, унинг шеърлари дунёдаги 50 дан ортиқ тилларга таржима қилинган.

Солиҳ жанобларининг АҚШга навбатдаги ташрифи пайтида «Америка овози» радиосининг рус хизмати у билан суҳбатлашди.

Нажия Бадикова: Сиёсий рақибларингиз сизни «хаёлпараст» деб ҳисоблашади. Замондошларингиз эса сизни «шоир – ислоҳотчи» деб билишади. Сиз ўзингизни кўпроқ ким, деб ҳисоблайсиз?

Муҳаммад Солиҳ: Мен, эҳтимол, қайси томондандир хаёлпараст ва қайсидир жиҳатдан шоирдирман.

Бу ҳаётда жамики умид ва ишончини йўқотиб бўлган одамгина хёлпараст бўлмаслиги мумкин. Мен эса ҳали бу туйғулардан маҳрум бўлмадим. Агар мен хаёлпараст бўлмаганимда, аллақачон бу дунёдан кетган бўлардим... Балки бу яхшиликкадир, аммо мен 70-80-йилларда ўзимда бўлган широна киборни йўқотганман-ку. Агар мен шеъриятни сиёсатдан устун, деб билганимда, шеърият билан машғул бўлардим. Мен сиёсатни шеъриятдан юқори қўяман, чунки сиёсат ҳақиқатдан эрақлар ишидир. Сиёсат, бу - гоёлар жанги, сиёсат, бу - адолат учун курашдир. Шеърият эса бу йўлда жуда ҳам тор бўлса эҳтимол. Шеърият бир қадар худбинроқ, у ўзига боғлаб олиши мумкин. Шеърият - бу ўзингда рақс тушиш каби, ўзингдаги бир нарсадек. Шеърият - жуда инжиқ ва худбин.

Икки хил лидер бўлиши мумкин: бири сиёсат яратган лидер, иккинчиси сиёсатни яратувчи лидер. Мен истаган лидер сиёсатни яратувчи лидердир, бундай лидерлар жуда камдан-кам пайдо бўлишади. Бироқ, ҳар бир асрда санокли шундай шахслар бўладики, уларсиз сиёсат ўз маънисини йўқотади.

Н.Б.: Уз ватанингизда сиз террорчиликка айбланган эдингиз. Сиздан айни пайтда бу айбловни олиб ташлашганми?

М.С.: Йўқ, агар Каримов иқтидорда экан, айблов бекор қилинмайди. Бироқ, Каримов иқтидорда экан, мен учун бундай режимга қарши террорчи бўлиш фахрдир. Мен бу ерга Фарбинг, Андижон воқеаларидан кейин, афсуслар билан айтиш керакки, ўзгармай келаётган эътиборсизлик даражасини ўлчашга келдим. Ўзбекистон Россия ёки Хитойга шунчаки оғмаяпти, балки бутун минтақа учун хатарли ҳалокат сари кетмоқда, шунинг ўзи жамоатчиликда қизиқиш, жуда бўлмаса ташвиш уйғотиши керак, деган фикрдаман.

Сўзларни яратиб,
Уларга бўйсунамиз бир кун.
Ҳар кимнинг бўйнида осилиб турад

Маълум ҳарфлардан ташкилланган сўз.

Дейлик «Аҳмад!» деса уйғонмайман мен,

Уйғонмайман «Тошмат!» деб бақирсалар ҳам.

Исмимни билмаса момоқалди роқ
Уйғота олмайди мени ҳеч қачон!...

Уйлаб кўринг энди қанчалик қийин

Бутун халқни уйғотмоқчи бўлган даҳога.

(Суҳбатда Муҳаммад Солиҳнинг бу шеъри таржимада берилган)
(Русчадан Юсуф Расул ўғирган)

ОФИЗ СОҒЛИГИ

Дорилар: Баҳорда 30-40 кун давомида кўқарган арпа ёки бугдой ишлатиш сочларни гўзаллаштиради, порлатади ва бақувват қилади.

Кунда 1 марта ёки ҳафтада 3 марта майдаланган седана билан аралаштирилган зайтун ёғи бош теришига массаж қилиб сурилса, шампун ўрнига тухум сариғи, қатиқ суви, ёғсиз қатиқ ёки намланган кепакли нон қолдиғи ишлатилса, сочлардаги бутун муаммолар йўқолади, ҳатто ок сочлар қораяди.

Қалампирли олма сиркаси бош терисига массаж қилиб сурилса ёки лимон суви ёки қайнатилган петрушка суви билан аралаштирилиб, сочлар силанса, қувватланади ва ўса бошлайди. Қалампирли олма сиркаси учун “Қон ва Томирларнинг Тозаланиши” бўлимига қаранг.

Бош терисига массаж қилиб сурилганида, соч тўкилишини тўхтатувчи, сочларнинг қалинлашуви ва ўсишини таъминловчи қувватли дорилар:

Ёнғок пўсти печда қовурилади, майдаланади, зайтун ёғи ва 1-3 томчи гул ёғи билан аралаштириб бош терисига сурилади.

Янги газанда майдаси ёки суви, сирка билан бош терисига сурилса, садаф ва кепакни йўқотади, яраларни ёпади, сочларни қувватлантиради, порлатади.

Зигир уруғи яхшилаб қовурилиб майдаланади. Зигир ёғи, зайтун ёғи ёки кунжут ёғи билан аралаштириб, бош терисига сурилади.

15 дона ёнғок + 40 дона хурмо уруғи печда яхшилаб пиширилади. Кейин 15-20 дона аччиқ бодом +30-40 дона аччиқ қалампир уруғи қўшилиб, майдаланади ва зайтун ёғи аралаштириб малҳам сифатида ишлатилади.

Кепакка қарши:

Бўйин ва курак орасидан қон олдириш, қулоқ орқаси ва бўйинга зулук қўйиш жуда таъсирли восита.

100 гр селдир барги суви ёки 100 гр қизил лавлаги суви 30 гр сирка билан аралаштириб 2 ҳафта давомида ҳар кун бош терисига сурилади.

Бош терисига сурилган артишок суви, хусусан, ёввойи артишок (туя тикани) суви кепакни йўқотади.

Ёки Бодом майдаланади ва керакли миқдорда сирка билан аралаштирилади. Оқшом бош терисига сурилади ва эрта-лабгача туради.

Ёки Боб, кунжут, қовун уруғлари тенг миқдорда аралаштирилиб майдаланади. Кейин керакли миқдорда қизил лавлаги суви билан аралаштирилиб кун ора бош терисига сурилади. Орадаги кунларда, ичига бир неча томчи гул ёғи томизилган зайтун ёғи сурилади.

Энг кучли малҳам:

Тенг миқдорда майдаланиб, эланган шиша ва туйилган қора хантал, керакли миқдорда зайтунёғига аралаштирилади ва бош терисига едирилиб сурилади.

Соч бўяш Ленфома ва қовуқ саратонларига сабаб бўлган 22 хил кимёвий қўшимча моддаларнинг соч бўёғи ишлаб чиқаришда ишлатилиши таъқиқланган.

Лекин бу “соч бўёқлари энди зарарсиз”, дегани эмас. Соч бўёғи ишлаб чиқаришда ишлатилган, етарлича тадқиқ қилинмаган қўшимча моддалар ва янги кимёвий қўшимча моддалар ҳам шу каби хавфлар келтириб чиқариши мумкин.

Қузатган бўлсангиз, чақалоқларнинг

бош суягининг марказида юмшоқ “ликиллаб” турган бир бўшлиқ бор, бу вужуднинг ҳар бир ҳужайраси билан боғлиқ бир энергия марказидир. Бу бўшлиқ умр буйи шундай очиқ қолади. Кичрайдими, аммо ҳеч қачон тамоман ёпилмайди. Инсоннинг бошига суртилган ҳар қандай кимёвий модда шу «ликилдоқ» орқали вужуднинг ҳар ҳужайрасига ёйилади.

Бундан ташқари, энса чуқуридан икки қош орасигача кетган, сийдик йўллари энергия канали устида жойлашган тахминан 100 дона акупунктур нуқтаси бор.

Сочларга ёки бошга сурилган моддаларнинг зарари ёки фойдаси бу акупунктур нуқталари воситасида буйрак, сийдик йўлларига ҳатто ҳомиладор аёлнинг ҳомиласига ҳам етиб боради.

Шампун ўрнига қатиқ суви, янги тухум сариғи, намланган кепак ёки табиий совун ишлатиш керак. Соч бўёғи ўрнига хина ишлатилиши мумкин. Турли ранглар ҳосил қилиш учун хинага айна миқдорда майдаланган қалампирмунчоқ эман пўсти, ёнғок пўсти, барги, чўпонтелпак, чой, қахва ва зайтун ёғидан бири ёки бир нечасини қўйиш мумкин. (“Хино” бўлимига қаранг.)

Шайтон тирноқ (тирноқнинг бармоқ ичига ўсиши)

Тирноқнинг бармоқ ичига ўсиши одатда оёқнинг бош бармоғида, тирноқнинг бир томонида ёки икки томонида бўлади.

Бош бармоқнинг ич томонида, тирноқ тубидаги акупунктур нуқтасидан жигар энергия оқими, ташқи томондан эса талок энергия оқими бошқалади. Бу аъзолар кичкиннинг маънавияти учун жуда муҳим аъзодир.

Жигар - руҳ маркази, талок эса сир маркази билан боғланган, дейишади аллома-лар.

Бузилган тирноқ халқ орасида “шайтон тирноқ” дейилишида чуқур маъно бор.

Тирноқ бузилишидан қутулиш учун фақат тирноқни даволашга уриниш фойдасиз, ҳатто бу жигарга ва талокка зарар беради. Аввало вужудга умумий даволаш курсини тадбиқ қилиш лозим.

Даволаш Аввало озикланишни тартибга солиш, жигарни тозалаш, ҳижрий 13, 14, 15 кунлар оч бўлиш, хусусан, “Лукмон” ва “Бақара” сураси 163-164 оятларни ўқиш керак.

Ҳар оқшом оёқ ваннаси қилинади:

1 литр иссиқ сувга 100 гр тоғ тузи қўшилади ва оёқлар бу сувга солиниб 20-30 дақиқа туради. Туз ўрнига дамланган чўпонтелпак, ёнғок барги, қайнаган анжир барги ва шохлари, ёки қайнаган қарағай барги ҳам ишлатилиши мумкин.

Оёқ ваннасидан сўнг

Бир бўлак пахта тузли сувга ботирилиб, тирноқни бироз қўтариб орасига қўйилади. Тузли пахта бармоқдаги яллиғланишни олади.

Ёки Анжир баргининг баргидан чиққан сут, пахтага сурилиб, айна шаклда тирноқ остига қўйилади ва янги анжир икки бўлиниб пахтага сурилади.

Доим тоза пайпоқ ишлатилади, пайпоқ ва оёқ кийимнинг оёқни сиқмаслиги керак.

Қилнинг ўралиши (қайтиши)

Қилнинг ўралиши (қайтиши), тананинг ҳар жойида бўлиши мумкин бўлган фақат жуда кўп думғазада чиқиб, периодик та-

қорланган хасталиқдир.

Такрорланишни олдини олиш учун умумий даволанишни ўтиш керак. Қил қайтишида тарамма қон олдиришларга думғазадан бошланади.

Ва ҳар очликнинг илк куни - яъни 10 кунда бир - қон олдирилади. Илк қон олдиришдан 5-7 кун ўтиб, думғазага 11 дона зулук қўйилади ва 3-4 ҳафта ора билан 3-5 марта такрорланади.

Янги ҳосил бўла бошлаган қил қайтиши атрофига банка қўйилади, оғриган жойга, ўртасидан кесилиб, тавода пиширилган пиёз - иссиқ ҳолда - қўйилади ва сови-ганда алмаштирилади. Оғриган жойда яллиғланиш бўлса, қора(ихтиол)малҳам билан компресс қилинади, 1 кеча тургандан кейин зулук қўйилади.

Қил қайтишининг шиши бўшағунича, даволаш юқорида айтилган ҳажмда тақрорланади.

Қил қайтиши курсида зулукдан-да таъсирлироқ восита йўқ.

Лазер депиляцияси (қил тушириши)

Қўлтиқ ости ва қорин ости (қосиқ) қилларидан ташқари, қилларни олиш, дори билан тушириш, қош териш, оёқ, кўкрак, бел қилларини тушириш Исро-ломда таъқиқланган. Инсон вужудидаги қил ва туклар, аслида, баданни ҳар хил таҳликалардан сақлайди.

Сўнгги йилларда, ҳар соҳада қўлланилаётган лазер, қилларни йўқотишда ҳам тобора кўпроқ қўлланилмоқда. Лазер депиляцияси қилдирганларнинг яқин 35-40% эркалар-дир.

Лазер депиляцияси, қил томирларида-ги ҳужайраларни лазер нури билан ёкиб, такрор чиқмайдиган қилиб туширади. Лазер нури қил тузилишида мавжуд пигмент томонида сўриб олинади ва иссиқлик энергиясига айланади. Ва сониялик юксак иссиқлик қил томирини йўқотади. Қил томирининг тамоман йўқ қилиниши учун, камида, 5-6 сеанс керак.

Тери мутахассислари ДНК вируси бўлган Херпес-симплекс вируси бор хасталарга лазер депиляцияси-ни таъқиқлашади. Чунки ўзи ДНКда ўзгаришларга сабаб бўлган Лазер, Херпес-симплекс вирусини янада активлаштира-ди. Дунё аҳолисининг 90% га яқинида бу вирус актив ёки инактив формада мавжуд. Бунга парво қилмай, хоҳлаган киши лазер депиляцияси қилдирмоқда. (“ДНКдаги ўзгаришлар” бўлимига қаранг.)

Масалан, зарарли ёғлар, токсинлар те-ридаги шу туклар воситасида ташқарига чиқарилмоқда. Шу боис, қил ва туклар ба-данни метаболизма қолдиқларидан тоза-лашда буйракдан сўнгра иккинчи ўринда турадиган аҳамиятли мавқега эга.

Янада муҳими, Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг деганига кўра, одамнинг жони вужуддан чиққанда, бадандаги ҳар бир қил тубидан чиқар экан. («Инсон насли тугамокда» бўлимига қаранг.)

“Аллоҳ, баданларга нақш чизган ва чиздирганни, юз тукларини олдирганни, гўзаллик учун олд тишларининг оралари-ни йўндирганни ва Аллоҳнинг яратганини ўзгартирганни лаънатлади.” (Саҳихий Бу-хорий, «Китоб-ул- Либос», 153)

Баъзи буюклар, “Қил олганлар қилларнинг ҳикмати билса эди, бошини тошларга ура-ура ҳаётларини охирига ет-казган бўлишарди”, дейишган.

ТЕРИ КАСАЛЛИКЛАРИ

Эгзема, садаф ва витилиго(пес) каби касалликлар ички ва ташқи муаммолардан келиб чиқади. Ички сабаблар жисмоний ёки генетик (руҳий) бўлиши мумкин.

Жисмоний сабаблар жигар ва буйракнинг етарли даражада ишламаслигига боғлиқ бўлса ҳам, илдизи албатта озикланиш тизимидаги бузилишларга ёки кимёвий моддалар берган зарарга бориб тақалади.

Тери касалликларининг келиб чиқиш механизми ҳам “Касалликларнинг Бошланиши ва Ривожланиши” бўлимида айтилган кабилар. Биргина фарқи, вужудда бириккан токсик, ёқувчи моддаларнинг тери воситасида ташқари чиқиши, бу сирада терида қичиш, тўкилиш, яра каби муаммоларнинг юзага келишидир.

Бу хасталиклар сабаблари фарқли бўлиши мумкин, аммо уларнинг даволаши, асосан, бир хил: озикланишнинг тузатилиши билан бирга ошқозон, ичак, жигар, буйрак тозаланиши ва бошқа тозаланишлар қилинади.

Локал даволаш аллергия терини касалликларидан, фақат аллергияга сабаб бўлган модда ёки таомлардан узоқлашилган, мумкин бўлади. Хрониклашган тери касалликларини ташқаридан, даволаш фойдасиз, ҳатто зарарлидир. Чунки, локал даволаш вужуддаги токсик модда ишлаб чиқаришни тўхтата олмайди. Локал даволаш билан тери касаллиги бир муддат яшиланиши мумкин, аммо кейин яна пайдо бўлади. Бу айлананинг охири йўқ.

Зарарли, чунки танадан чиқарилган токсик модданинг чиқиши йўли терига сурилган даволаш воситалари билан ёпилади ва ички аъзолар зарар кўради.

Бир бемор тиб дунёсида ташхис қилинмаган кўз касаллигидан шикоят билан келди. “Неча хил касалликлар ўтказдингиз?”, деб сўраганимда, “хеч қандай касаллик кечирмадим. Фақат икки йил аввал кичик безовталиқ ўтказдим. Икки оёғим ҳам ўрта уч бармоғим орасида ёқувчи ва жуда кўп қичийдиган оқиш бор эди. Лекин фармацевт танишим, соғ бўлсин, бир дори берди ва бу оқишнинг бир-икки кунда тўхтаганини айтди. Дорини сурдим, оқиш ҳам, қичиш ҳам кетди. Қутулдим. Лекин бу воқеа кўз касаллигим билан хеч қандай алоқаси йўқ”, деди.

Афсуски, бу воқеа тўғридан-тўғри кўзларидаги касаллик билан алоқали эди, чунки оёқнинг ўрта уч бармоғининг акупунктур нуқталаридан бошлаб, кўз марказига кетган энергия оқими бор.


Касал одам ишлаб чиқаришда олтин ва кумуш ишлатиладиган кимёвий моддалар (синил кислота каби) билан ишлаганди. Бу моддалар кўз марказига бирикмасдан, оёқ бармоқларининг орасидаги оқим билан чиқаётган эди. Чиқиш йўли фармацевт берган дори билан ёпилган, ташхис қилинмаган бу кўз касаллигига тугилган.

Эгзема

Кўллар, юз ёки жинсий аъзолардаги эгземалар, кўпинча, аллергия реакциялар натижасида юзага келади.

Бу тип эгземаларнинг сабабларини ташқи сабаблар дейиш мумкин.

Масалан, бўтқа билан озикланган чақалоқ юзидаги эгзема бўтқадаги сут қуни ва витаминларнинг аллергия реакцияларга йўл очишдан келади.



Бўлган моддалардан узоқлашганда, ўз ўзидан ўтиб кетади.

Бу хасталикдан даволаниш ҳам фақат аллергиялардан узоқлашиш шарт билан мумкин бўлади.

Умумий Даволаш

Барча эгземанинг давоси, юқорида айтилгани каби, озикланишни ва ҳазми тартибга солиш, жигар, буйрак ва қонни тозалашдан ўтилади. Озикланишни тартибга солиш ва жигар тозалашдан кейин локал даволашга киришилади.

Тозалашлар билан бирга (7 кун ораликлар билан) 17 марта 3 кунлик очлик қилинади.

Тўққизинчи ва ўн олтинчи очликдан сўнгра жигар тозалаш қилинади, ўн еттинчи очликдан сўнгра буйрак тозаланади.

Бир ой кейин 10 кунлик очлик қилинади, очликдан кейинги ўн биринчи кун мева суви ичилади ва жигар тозаланади. Уч ҳафта кейин буйрак тозаланади. («3 кунлик очлик», «10 кунлик очлик», «Жигар тозалаш», «Буйрак тозалаш» бўлимларига қаранг)

Муайян (локал) бўлгаларнинг даволаниши

Озикланишни ва ҳазми тузатгандан кейин, муайян (локал) бўлгаларнинг даволаниши бошланади.

Бадандаги муайян бўлгалардаги курук эгзема иссиқ сув билан ювилгандан ёки сув буғига тугилгандан кейин, яхшилаб артилади. Кейин курук ёки намли эгземанинг атрофига банка ёки зулук қўйилади ёки хожамот қилади.

Бу жараёндан кейин эгземани қашш ва қонатиш керак.

Кейин куйидаги дорилардан 1-2 донаси қўлланилади:

Ярим литр сирка қайнатилади, бироз совуганидан кейин 1 ош қошиқ тош тузи сирка ичида эритилади. Тоza мато, иссиқ тузли сиркага ботирилиб, бир неча марта эгземага қўйилади. Мато совумасдан, янгидан иссиқ тузли сиркага ботирилиб, эгземага қўйилади ва шу шаклда касал чидайдиган даражада такрорланади. Бундан сўнгра эгземани пўст қоплайди, пўст остида янги, тоza, соғлом тери чиқади ва эгзема бутунлай йўқ бўлади.

Пиёз суви + олма сиркаси, ёки пиёз суви + жамбул суви, ёки янги газанда майдаси (ёки суви) + сирка тенг миқдорларда аралаштирилади ва эгземали жойларга қўйилади.

Янги эзилган газанда ёки газанда суви, сирка билан аралаштирилиб, эгземали ва садафли ўринларга сурилади.

Юқоридаги қорилмалар навбат билан қўлланилади.

Қўлланилган сирка қанчалик ўткир бўлса, шунча яхшидир. Эгземага қарши ўткир сиркадан-да яхшироқ даво йўқдир.

Етарли миқдорда дафна меваси, пўсти ва барги (ёки фақат барги) бир идишга солинади. Устидан икки бармоқ баландлигида сув қуйилади ва паст оловда 15 дақиқа қайнатилади. Тоza мато, иссиқ дафна сувига ботирилиб, эгземали жойларга қўйилади. Мато совумасдан, янгидан иссиқ дафна сувига ботирилиб, эгземага қўйилади ва шу шаклда касал чидайдиган даражада такрорланади. Бундан мақсад – дафна суви билан енгил ёниқ пайдо қилишдир. Ёниқдан кейин эгземали ўринларда пўст ва пўст остида янги, тоza ва соғлом тери пайдо бўлади.

Дафна барги ўрнига заққум барги, ёнғок барги, ёнғокнинг ич пардалари ва ёнғок пўстлоғи (пишмаган ёнғокнинг яшил пўстлоғи яна-да яхшидир), тирноқгул гули ва барги ёки чўпонтепак айна шаклда қўлланилади. Фақат тирноқгул ва чўпонтепак қайнатиб эмас, дамланиб ишлатилади.

Кўрғошин парчаси, сирка ичида 2-3 кун тургандан кейин чиқарилади ва қуритилиб ташқи қатлами олиниб, кичик парчаларга бўлинади. Бир миқдор кумуш ва аччикбодом, олинади ва улар бирга печда - бодом кул бўлгунча - ёкилади. Бу шаклда тайёрланган дорилардан 3 гр кўрғошин + 3 гр ёқилган кумуш + 3 гр аччикбодом кули + 3 гр курук чистотел ўти барги ховонда яхшилаб туйилади. Эланадиган, 1-3 томчи гул ёғи ва етарли миқдорда ўткир сирка билан қаймоқ холига келтирилади. Аввалдан сирка сурилиб, қашиб, қонатилган эгземали жойларга сурилади ва туради.

Денгизнинг қирланмаган, тоza соҳилидан ёки тез оққан дарё четидан олиб қуритилган 5 гр оқ лой; 5 гр олтингургурт билан туйилади ва 5 гр. ошқовоқ кули қўшилиб аралаштирилади. Кейин етарли миқдорда ўткир сирка билан аралаштирилади ва эгземали жойларга сурилади. 1 ош қошиқ аччик қовун суви билан аралаштирилса, янада яхши бўлади.

6 дона тухум 12 дақиқа қайнаганидан кейин тухум сариклари ажратилиб, оловга тугилади. Тухум саригидан оққан модда тўплангани ва эгземали жойларга сурилади. Ишлатилган сирка қанчалик ўткир бўлса, шунчалик яхши, эгзема учун ўткир сиркадан яхши даво йўқ.

ОЙДИН СОЛИХ

“Ҳақиқий тиббиёт” китобидан
(Давоми келгуси сонда)



“Эркин Юрт” интернет-газетаси
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt
Мустақил манбааларнинг
маълумотларидан фойдаланилди.
Масъул муҳаррир
Камолiddин Иўлдош